БҮТҮН ДҮНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 166 (1170)
22 АВГУСТ ЖУМА 1958 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

Тинчлик ва дўстлик кинофестивали. Осиё ва Африка кинофестивалининг тантанали очилиши (1- ва 2-бетлар).

Кўсак қурти ва ўргимчаккана тушган майдонларда хашаротларни қириб ташлаш — ҳосилни сақлаб қолиш гарови (2-бет).

Т. Хушназаров. — Амалий иш ўрнига беҳуда маҳрурланиш (2-бет).

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 41 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ ҚУТИБ ОЛАЙЛИК! (3-бет).

Г. Альмуҳамедов, Ш. Кузанбоев. — Бозорлардаги ҳангомалар (3-бет).

В. Ларин. — Халқ Хитойида маданий қурилиш (3-бет).

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус сессияси (4-бет).

Бирлашган Араб Республикаси ва Яман вакилларининг музокаралари (4-бет).

Уругвай Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми (4-бет).

Президент Эйзенхауэрнинг матбуот конференцияси (4-бет).

Франциянинг иқтисодий аҳволи ёмонлашмоқда (4-бет).

Жанубий Корея «Миллат мажлисида» муштлашув (4-бет).

Америка оккупантларининг Ливандаги тадбирлари (4-бет).

Н. Насимов. — Ёш талантлар қўлайди (4-бет).

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК КИНОФЕСТИВАЛИ

Осиё ва Африка мамлакатлари кинофестивалининг тантанали очилиши

Ёзлик «Искра» кинотеатрида кинофестивалнинг тантанали очилиши. **Суратда:** тантанали йиғилишнинг зали ва президиуми.

И. Глауберзон фотоси.

Сабрсизлик билан кутилган кун — Осиё ва Африка мамлакатлари кинофестивалининг тантанали очилиш куни етиб келди. Икки қитъа халқларининг жуда кўп вакиллари баланд тоғлар, денгиз ва чўллар оша ўтиб, Ўзбекистон пойтахтига келдилар. Улар миллий кино санъатини ривожлантиришда эришган муваффақиятларини намойиш қилиш учун, ижодий алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун, ер юзида дўстлик ва бахт-саодатга интилаётганликларини бутун дунёга яна бир марта кўрсатиш учун бу ерга келдилар.

Миллий кино санъати байрами 20 август эрталаб бошланди. Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари жойлашган резиденцияга чиройлик миллий кийимлар кийган ўзбек қизлари келдилар. Улар меҳмонларни байрам билан қутладилар, уларга катта ижодий муваффақиятлар тиладилар, ўзбек ёшлари номидан уларга меҳмондўст Ўзбекистонда бўлганликларидан эсдалик қилиб сувенирлар тақдим этдилар.

Сўнгра шаҳарнинг энг кекса аҳолиси делегацияси Осиё ва Африка мамлакатлари халқлари вакилларининг ҳузурида бўлди. Мўйсафидлар бу фестиваль ўзига боғланган умидларни оқлайди, ҳар хил миллатдаги кишиларнинг дўстлигини мустаҳкамлайди, уларга бир-бирларини яхшироқ билиб олишларига имкон беради, деб ишонч билдирдилар. Мўйсафидлар кино санъати арбобларини меҳмон бўлиб келишга таклиф этдилар. Ҳурматли кексалар чойхонаси кино усталарининг тамошабинлар билан учрашадиган биринчи жойи бўлиб қолди. Меҳмонлар чой устида ўз мамлакатларидаги халқларнинг ҳаёти тўғрисида гапирадилар, Ўзбекистон халқларининг турмуши билан қизиқдилар. Мезмонлар ўзбек халқининг ўтмиши ва ҳозирги турмуши ҳақида, Совет ҳокимияти ўрнатилганидан бери ўтган қирқ йил ичида юз берган гоят катта ўзгаришлар тўғрисида сўзлаб бердилар.

Кеч бўлди. Тошкентнинг кенг кўчаларида минглаб рангба-ранг чироғлар, кучли прожекторлар ёндирилди. Пушкин, Карл Маркс кўчаларига шаҳар аҳолисидан мингдаб киши йиғилган. Фестиваль қатнашчилари тушган автомобилларнинг байрам юриши Ленин номидаги майдонга томон йўл олди.

Майдонда митинг бошланади. Митингни фестивални ўтказиш ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Р. Ғ. Ғуломов** очади. У Осиё ва Африка халқларининг кўп асрлик традицияга эга бўлган дўстлиги ҳақида, одамларни юксак инсонпарварлик, бир-бирини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаши лозим бўлган санъатнинг олижаноб вазифалари тўғрисида гапиради, кинематография ходимларининг Тошкентда ўтказидаётган халқаро учрашуви гоят катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси вазифасини бажарувчи **Ш. Исломов** фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларига самимий табрик сўзлари билан мурожаат қилади.

Ташкилот комитетининг топширигига мувофиқ, Осиё ва Африка мамлакатлари киноходимларининг учрашувини ўтказиш тўғрисида биринчи марта қарор қабул қилинган мамлакат — Хитой Халқ Республикаси делегацияси фестивалнинг пушти ранг юлдузли байроғини кўтаради. Майдонда музика садолари улуғвор янграйди.

Фестиваль машъалини ёқиш маросимини бажариш ҳуқуқи Ҳиндистон Республикаси делегациясига берилади. Яна музика садолари янграйди, қарсаклар чалинади. Минглаб рангбаранг шарлар осмонга учирилади, халқларнинг тинчликка интилиши символи бўлган юзлаб каптарлар парвоз қилади.

Сўнгра фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари, Тошкент жамоатчилигининг вакиллари машиналарга тушиб, кенг экранли ёзлик «Искра» кинотеатрига томон йўл оладилар.

Байрамлардагидек безатилган кинотеатр одамлар билан лиқ тўлган. Бу ерда фестиваль қатнашчилари — чет эл Шарқидаги йигирмадан ортиқ мамлакатнинг ҳамда Ўрта Осиё ва Закавказье республикаларининг киноходимлари делегациялари, фан ва маданият арбоблари, санъат ва адабиёт арбоблари, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг илғорлари ва новаторлари тўпланган. Фестиваль меҳмонлари — Украина, Белоруссия, Литва, Москва ва Ленинград киноарбоблари ҳозир бўлдилар.

Залда Шарқдаги чет мамлакатларнинг Совет Иттифоқидаги бир қанча элчихоналари ходимлари, жуда кўп совет ва чет эл журналистлари ҳам бор эди.

...Соат 21-30 минут. Фестиваль ташкилот комитетининг аъзолари ҳамда фестивалда қатнашувчи мамлакатларнинг Тошкентга келган делегациялари бошлиқлари А. Алиев (Озарбайжон), А. Т. Ай-Артьян (Арманистон), У Лунг По Зан (Бирма), Фам Туан Кхан (Вьетнам Демократик Республикаси), К. Л. Ҳанд-пур (Ҳиндистон Республикаси), Харьото (Индонезия), Н. Бегалин (Қозоғистон), Ван Ян (Хитой Халқ Республикаси), Ш. Усубалиев (Қирғизистон), Дю Дон Ин (Корея Халқ Демократик Республикаси), Д. Санжижаб (Мўғулистон Халқ Республикаси), Хусайн Сидқий (Бирлашган Араб Республикаси), Н. Исломов (Тожикистон), И. Л. Репин (Туркманистон), Комил Ерматов (Ўзбекистон), Б. А. В. Жайамана (Цейлон), Тару Ҳаякава (Япония), СССР кинематография ходимлари союзи Ташкилот комитети делегациясининг раҳбари И. А. Пирьев, фестивалнинг фахрий меҳмони Поль Робсон ва бошқалар очилиб турган гуллар билан, чиройлик транспарантлар ва байроқлар билан безатилган театр саҳнасига чиқадилар.

Президиум столи олдида — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари С. К. Камолов ва Р. Е. Мельников, СССР Маданият министри Н. А. Михайлов, Республика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Р. Ғ. Ғуломов, СССР Олий Советининг депутати С. Нуриддинов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари С. К. Зиёдуллаев ва Ё. С. Насриддинова, Ўзбекистон ССР Маданият министри С. О. Азимов ўтирибдилар.

Халқаро фестивалнинг расмий қисмини ташкилот комитетининг раиси, **Р. Ғ. Ғуломов** очди.

Бу фестивалнинг ташкил этилиши, дейди ўртоқ Ғуломов, совет кишиларининг халқлар ўртасида маданий алоқа ва дўстликни кучайтириш ҳамда мустаҳкамлаш тўғрисида, тинчлик йўлидаги курашда халқларнинг кучларини бирлаштириш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилаётганликларини ёрқин исбот этувчи янги далилларнинг биридир. Биз, фестивалнинг халқлар ўртасида дўстлик ва тинчлик иши учун катта аҳамиятга эга эканлигини тушуниб, фестивалда қатнашиш тўғрисидаги таклифимизни зўр иштиёқ билан қабул қилган мамлакатларнинг вакилларини чин кўнглимиздан табриклаймиз. Америка Қўшма Штатларининг ва Англиянинг агрессив ҳаракатлари натижасида Яқин ва Ўрта Шарқда рўй берган воқеалар туфайли бу кинофестивалда қатнашиш имкониятига эга бўлматан мамлакатларнинг халқларига қизғин саломимизни йўллаймиз. Совет кишилари чет эл қўшинларини Ливан ва Иорданиядан олиб чиқиб кетишни, араб давлатларининг ишларига аралашмасликни талаб этаётган халқларнинг нофозилик овозига ўз овозларини қўшадилар.

Биз шу нарсани таассуф билан айтамизки, ўз сиёсатини империалист давлатларнинг сиёсати билан маҳкам боғлаган бази давлатлар киносанъатимизнинг дўстона кўригининг олижаноб мақсад ва вазифаларидан кўз юмишни афзал кўрдилар ва фестивалда қатнашишни истамадилар.

Ҳамманинг гулдурос қарсаклари остида ташкилот комитетининг раиси фестивалга келган кинематографистлар делегациясининг ҳар қайсисига самимий салом топширади, халқларнинг тинчлиги ва бахт-саодати учун атоқли курашчи Поль Робсонни Тошкентга келиши билан қизғин табриклайди.

Совет тамошабинлари, деб давом қилади ўртоқ Ғуломов, хитойлик дўстларимизнинг картиналарини, Ҳиндистон киноусталарининг ўзига хос фильмларини, Миср киноси атоқли арбобларининг фильмларини, Япония кинематографиясининг энг яхши асарларини кўплан буён завқ ва иштиёқ билан кўриб келмоқдалар. Фильмлари экранларимизда кам кўрсатилган мамлакатларнинг ва хусусан кино маҳсулотлари биринчи марта кўрсатилаётган мамлакатларнинг киносанъати билан танишиб чиқишни сабрсизлик билан кутмоқдамиз.

Кино санъати хаёт билан бирга бориши, халқларнинг тараққиётига хизмат қилиши керак. Ҳозирги кунининг асосий вазифаси — бутун дунёда демократия ва тинчлик учун курашдир. Бу эса умуман киносанъатининг ва хусусан ҳозирги фестивалнинг асосий вазифасидир. Фестивалнинг низомида айтилишича, бу фестиваль Осиё ва Африка мамлакатлари кино санъатининг традициялари, ютуқлари билан танишишга ёрдам бериши, кино санъатининг ривожига ва равнақига кўмаклашиши керак.

Барча совет кишилари каби ўзбек халқи ҳам Осиё ва Африка мамлакатлари халқларига дўстлик ва ҳурмат туйғулари билан тўлиб-тошгандир. Биз бу халқларнинг меҳнатсеварлиги, қаҳрамонлиги ва донишмандлигидан қойилмиз ва халқ авлодлари тўплаган бойликларни ривожлантириш ва кўпайтириш, бу бойликларни кенг халқ оммасининг мулкига айлантириш зарур деб ҳисоблаймиз. Биз ўтмишдаги маданий меросдан ҳозирги замон вазифаларини ҳал этишда актив ёрдам берадиган ҳамма нарсани олишимиз ва ўтмишнинг прогрессив традицияларини сақлашимиз ҳамда бу традицияларни ҳозирги авлоднинг тажрибалари билан бойитишимиз лозим.

Ўртоқ Ғуломов ўз нутқини тамомлар экан, фестивалга катта муваффақиятлар тилайди. Фестиваль халқлар ўртасида дўстлик ва тинчлик ишига ҳизмат қилади, деб ишонч билдиради.

Оркестр туш чалади. Залга байроқлар кўтарган мактаб ўқувчилари колоннаси кириб келади. Ёш бўғин вакиллари фестиваль қатнашчиларини ва меҳмонларини, шунингдек шу ерда ҳозир бўлган ҳаммани фестивалнинг бошланиши билан табриклайдилар. Осиё ва Африка мамлакатлари кино санъати арбобларидан болаларни дўстлик ва юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялайдиган ёрқин, ажойиб кино асарлари яратишни сўрайдилар. Одамлар билан лиқ тўлган залда болаларнинг Шарқ халқлари тилларида айтган табрик сўзлари жаранглайди.

Сўз СССР Маданият министри **Н. А. Михайлов**га берилади. У миллион-миллион совет кишилари номидан фестиваль қатнашчиларини ва меҳмонларни самимий ва қизғин табриклайди ҳамда уларга халқлар бахти-саодати йўлида янгидан-янги ижодий муваффақиятлар тилайди.

Осиё ва Африка мамлакатларининг фестивали — халқларнинг маданий ҳаётида катта воқеадир. Бу фестивалга вакиллари келган мамлакатларда 1 миллиарддан ортиқ киши яшайди. Мана шунинг ўзи кино санъати арбобларининг бугунги учрашуви қандай катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Энг муҳими шуки, фестиваль ўз олдига олижаноб мақсадларни қўйган ва у тинчлик учун, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик учун кураш шиори остида ўтказилмоқда.

Ўртоқ Михайлов Осиё ва Африка мамлакатларининг бой тарихи ҳамда кенг истиқболи тўғрисида гапиради. Совет кишилари бу мамлакатлардаги халқларнинг маданиятини зўр эътибор ва ҳурмат билан ўрганадилар, уларнинг озодлик ва мустақиллик учун олиб бораётган қаҳрамонона курашини хайриҳоҳлик билан кузатиб бормоқдалар. Тошкентда бошланган фестиваль икки қитъа мамлакатларида яшовчи кишиларнинг янада яқинлашувига ёрдам бериши, улар ўртасида маданий алоқаларнинг ривожланишида ижобий роль ўйнаши шубҳасиздир.

Бугунги учрашув, дейди сўзини давом эттириб ўртоқ Михайлов, ўзининг гоят даражада самимийлиги билан бизни хурсанд қилмоқда. Бу жуда тушунарли, чунки бу ерда тўпланганларнинг ҳаммасини озодликка бўлган қатъий интилиш бирлаштиради.

Ўзбекистон пойтахтидаги халқаро учрашувга келган маданият арбоблари тўғрисида нотиқ жуда самимият билан гапиради. Йиғилишда ҳозир бўлган атоқли артист ва жамоат арбоби Совет Иттифоқининг содиқ дўсти бўлган Поль Робсонга у қизғин табрик сўзлари билан мурожаат қилади.

Кўп мамлакатларда, дейди нотиқ, маданият арбоблари бутун прогрессив инсониятнинг халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун олиб бораётган курашига гоят катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Тинчлик кучлари кун сайин ўсиб бораётганлигини озодлик ва демократиянинг олижаноб идеялари ер юзидаги оддий кишиларнинг қалбига тобора чуқур сингиб бораётганлигини, уларда порлоқ келажакка ишонч туйғуси туғдирганлигини билиш қувончлидир.

Фестивалнинг Ўзбекистон пойтахтида — хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида катта муваффақиятларга эришган қардош Совет республикаларининг бири бўлган Ўзбекистон пойтахтида ўтказилаётганлигини айтиб ўтиш ёқимлидир. Биз ишонамизки, ҳурматли меҳмонларимиз Ўзбекистон меҳнаткашларининг ҳаёти билан танишадилар, озодликка эришган, ўз қўли билан янги, ҳаёт барпо қилаётган халқ қандай ажойиб натижаларга эришиши мумкинлигини ўз кўзлари билан кўрадилар, деб ишонамиз.

Ўртоқ Михайлов ўз сўзининг охирида рус, хитой, ўзбек, индонез тилларида, Ҳиндистон халқи тилида тинчлик, озодлик ва халқлар ўртасида дўстлик шарафига табрик хитобларини айтади.

Осиё мамлакатлари делегацияларининг номидан ва уларнинг топширигига мувофиқ, Индонезия делегациясининг бошлиғи **Харьото** жаноблари сўзга чиқади.

У ташкилот комитетига ва тўпланган ҳамма кишиларга самимий меҳмондўстлик учун, Тошкент фестивалининг жуда яхши тайёрланганлиги учун миннатдорчилик билдиради.

Харьото жаноблари бундай деди: кино санъатининг бу халқаро кўригида қатнашиш имконияти берилганлигидан биз хурсандмиз, лекин бугун очилган фестиваль бизнинг учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу фестивалнинг аҳамияти санъат доирасидан ошиб кетади. Биз бир-биримиз билан яқинроқ танишиш, бир-биримизни яхшироқ тушуниш имкониятига эгамиз.

Осиё ва Африка мамлакатлари халқларини илҳомлантирувчи маълум принципларни эълон қилган Бандунг конференциясидан кейин яна мустамлакачиларнинг олга қараб қилаётган ҳаракатимизни ҳар қандай йўллар билан тўхтатишга, Осиё ва Африка халқларининг суҳнапарварлик интилишларини ифоловчи Бандунг принципларини барбод қилишга тўхтовсиз уринаётганликларини кўриб турибмиз. Бироқ, ҳеч қандай қурбонлар ва азоб-уқубатлар тинч-тотув яшаш принципларини амалга ошириш йўлидаги ҳаракатимизни тўхтата олмайди.

Шундан кейин Харьото жаноблари бошланган кинофестивалнинг гоят катта аҳамияти тўғрисида ва бу фестиваль Осиё ва Африкадаги турли мамлакатларнинг санъат арбобларига ўз маҳоратларини янада оширишга, санъатни маданий ҳамкорликни янада кенгайтириш учун, ер юзида тинчлик ва дўстлик учун хизмат қилдиришга ёрдам бериши тўғрисида гапиради.

Африка мамлакатлари делегациялари номидан ва уларнинг топширигига мувофиқ Бирлашган Араб Республикаси делегациясининг бошлиғи **Хусайн Сидқий** жаноблари сўзлайди.

— Биз сизлар билан бирга фестивалнинг очилишида қатнашиш бахтига муяссар бўлдик, — деди у, — Африка мамлакатлари делегацияларининг кино санъати муваффақиятларининг халқаро кўригида қатнашиш билан чин кўнгилдан хурсанд бўлдик. Биз ишонамизки, Тошкент фестивалида кино арбобларининг алоқалари халқларимизнинг алоқалари қандай мустаҳкамланаётган бўлса, шундай мустаҳкамланади.

Кино санъати халқларни тарбия қилишда гоят катта таъсир кўрсатади. Бунинг учун ҳар бир асар кишиларнинг мақсад ва умид-орзуларини ифодалаши, империализмга қарши кураш олиб боришдан иборатдир.

Мустамлакачилар Осиё ва Африка халқларига жуда кўп азоб-уқубатлар келтирдилар. Улар турли йўллар билан халқларнинг маданиятини камситишга, бизнинг маданий бойликларимизни йўқотишга ҳаракат қилмоқдалар. Африка халқлари Совет Иттифоқининг тинчликсевар сиёсатини табриклайди. Ҳозир, бизнинг биродарларимиз — эрксевар Ливан ва Иордания давлатларининг халқлари чет эл босқинчиларига қарши қаҳрамонона курашаётган бир чоқда Совет Иттифоқи бизга содиқ дўст бўлиб ёрдам кўрсатиб турмоқда. Бу тўғрида жумладан фақат тинчлик мақсадларини кўзда тутган Тошкент фестивали далолат беради.

Ўз сўзининг охирида Ҳусайн Сидқий жаноблари Совет Иттифоқи ҳукуматита ва халқига, шунингдек Ўзбекистон ССР ҳукуматига ҳамда ер юзида тинчлик ва бахт-саодат учун курашувчиларнинг авангардида бўлган ҳамма кишиларга дўстона тўғ-ғулар ва меҳмондўстлик учун ташаккур изҳор қилди.

СССР кинематография ходимлари союзи Ташкилот комитетининг раиси **И. А. Пирьев** фестиваль қатнашчиларини ва меҳмонларни табриклайди. У айтадики, кино санъати муваффақиятларига ўтказилаётган кўрик инсониятнинг маданий ҳаётида, шубҳасиз, катта воқеадир. Кино санъати халқлар ўртасида ҳамжиҳатликни ривожлантиришнинг қудратли воситасидир. Ҳозирги халқаро вазиятда унинг зиммасига фахрли вазифа — бутун дунёда тинчлик идеалларининг тантанаси учун кураш вазифаси юкланган. Шарқ ва Ғарбдаги ҳар бир кино санъаткорининг бурчи ёвузлик, вайронгарчилик ва зулм кучларининг чекинишига ҳамда халқлар озодлиги, тинчлиги ва абадий дўстлигидан иборат порлоқ идеаларнинг тўла тантана қилишига эришишдан иборатдир.

Совет кишилари, дейди нотиқ, ҳозирги фестивалга ўз вакилларини юборган мамлакатларнинг кўпгина картиналарини ўз экранларида завқ билан тамоша қилган эдилар, бу картиналар ўз инсонпарварлиги, халқ кучига чуқур ишонч билан уларга маъзур бўлган эди.

Фестивалда қатнашувчи бир қанча мамлакатларнинг кино санъати катта тажриба тўплаган, катта ижодий муваффақиятларга эришган. Баъзи мамлакатлар кинематографияни ривожлантириш соҳасида ҳали биринчи қадамларни қўймоқдалар. Шак-шубҳа йўқки, Шарқдаги ҳамма мамлакатларнинг кино санъати миллий традицияларга таяниб, йил сайин ўсиб боради ва бутун дунёда миллион-миллион кишиларни мафтун этадиган тобора қудратли кучга айланади.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Пойтахтимиз меҳнаткашлари машҳур тинчлик куйчиси Поль Робсонни зўр ҳурсандчилик билан кутиб олдилар. Суратда: Поль Робсон шаҳар меҳнаткашлари орасида.

В. Панов фотоси.

Суратда: Вьетнам кино арбоб лари пойтахт меҳнаткашлари билан суҳбатлашмоқдалар.

В. Панов фотоси.

Тинчлик ва дўстлик кинофестивали

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Совет кинематографистлари, дейди И. А. Пирьев, бунга астойдил ишонмоқдалар ва сиз, азиз дўстларимиз ва коллегаларимизнинг энг катта ижодий муваффақиятларга эришувингизни, фестиваль ишида самарали натижаларга эришувингизни чин кўнгилдан тилаймиз.

И. А. Пирьев фестивалга гоят катта эътибор бераётганликлари учун, кино ходимлари халқаро учрашуви қатнашчиларини меҳмондўстлик ва ҳурсандлик билан кутиб олганликлари учун ўзбек халқига ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига барча кино арбоблари номидан самимий ташаккур изҳор қилади.

Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари, ҳозир бўлган ҳамма кишилар **Поль Робсонни** узоқ, давомли қарсаклар билан қизғин кутиб оладилар.

— Мен сизлар билан Тошкентда учраша олганлигимдан жуда хурсандман, — дейди Робсон, — Мен сизлар билан учрашувни орзу қилган эдим. Мана менинг орзум рўёбга чиқди. Халқлар дўстлиги мустаҳкам, абадий ва бузилмас бўлган Совет Иттифоқида эканлигим билан бахтиёрман.

Поль Робсон тўлқинланиб тўлибтошган ўз туйғу ҳислларини ифодалаш учун поэзия тилига мурожаат қилади. Залда бутун дунёга таниш бўлган «Широка страна моя, родная» ашуласининг сўзлари зўр куч билан янграйди.

Робсон халқларнинг тинчлик учун кураши тўғрисида ҳаяжонланиб гапиради. Америкада ҳам, дейди у тинчликнинг ва халқлар ўртасидаги дўстликнинг қадрига етган жуда кўп кишилар бор. Тинчлик учун соат сайин, кун сайин кураш олиб бориш керак, бутун дунё тинчлик учун курашмоғи лозим.

Нотиқнинг сўзлари яна ашула билан қўшилиб кетади. Робсон Африка ашуласини ижро этади, ўзбек тилида баҳор ва тинчлик тўғрисидаги шеърни ўқиб беради. Пировардида у бундай деди:

— Совет Иттифоқи — ер юзидаги барча халқларнинг содиқ дўстидир ва мен яна такрор ва такрор айтаман: Мен совет кишиларининг, Совет Иттифоқининг содиқ дўсти эдим, ҳозир ҳам шундайман ва абадий шундай дўст бўлиб қоламан.

Бу сўзлар айтилганда залда гулдурос қарсаклар бошланиб кетади.

Фестивалнинг расмий қисми тамом бўлди. Фестивалга тақдим этилган бадиий ва ҳужжатли фильмларга кўрик бошланади.

* * *

20 августда Ўзбекистон санъат музейининг залларида Осиё ва Африка мамлакатлари кинофестивалига бағишланиб, тасвирий санъатнинг катта виставкаси тантанали вазиятда очилди. Виставкада тасвирий санъат, графика, скульптура, амалий санъат асарлари кўрсатилган.

Виставкани очиш маросимида СССР Маданият министри Н. А. Михайлов ҳозир бўлди. (ЎзТАГ).

Дўстона учрашувлар, фильмларга кўрик

Осиё ва Африка мамлакатлари кинофестивалининг делегатлари учун 21 август куни қизғин ижодий фаолият, таъсирли учрашувлар, мароқли суҳбатлар куни бўлди.

Фестиваль тўғрисидаги низомга биноан, фильмлар кўриги фестивалда қатнашувчи мамлакатларнинг алифбе тартиби билан ўтказилади. Кино санъати муваффақиятлари халқаро кўригини бошлаб юбориш ҳуқуқига Озарбайжон ССР кино арбоблари эга бўлдилар.

Эрталаб «Ватан» кинотеатрида Озарбайжон делегацияси тамошабинлар билан учрашди. Ўзбекистон кинематография ходимлари номидан Ўзбекистон Республикаси кинематографя ходимлари союзи Тошкент комитетининг раиси, жинережиссёр Л. Файзиев азиз меҳмонларни табриклади. У озарбайжонлик дўстларга янги ижодий муваффақиятлар тилади, уларнинг фестивалга тақдим этган асарларига тамошабинлар, фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлар юксак баҳо бердилар, деб ишонч билдирди.

Озарбайжон делегациясининг аъзоси, режиссёр Г. А. Саидзода жавоб нутқи сўзлади. У самимий меҳмондўстлик учун ташаккур изҳор қилди ҳамда бу фестиваль Осиё ва Африкадаги ҳамма халқларнинг дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлайди, тинчлик учун кураш ишига катта ҳисса қўшади, деб таъкидлади.

«Униси бўлмаса, бунисиз» деган бадиий фильм катта муваффақият билан кўрсатилди. Боку студиясининг ижодий коллективи яратган бу фильм композитор Узеир Ҳаджибековнинг экранлаштирилган машҳур музикали комедиясидир.

Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари кундузи Тошкент тўқимачилик комбинатини бориб кўрдилар. Корхона ишчилари, мутахассислари ва хизматчиларининг кўп минг кишилик коллективи Осиё ва Африка халқларининг вакилларини, чет эллардан, қардош республикалардан, Москва ва Ленинграддан келган меҳмонларни самимий кутиб олди. Меҳмонларга комбинат фабрикалари тўқимачилар ихтиёрига бераб қўйилган маданий оқартув ва маиший муассасалари кўрсатилди. Ўзбекистон тўқимачилари ишлаб чиқарган чиройли газламалар меҳмонлар орасида зўр қизиқиш туғдирди.

Ўзбекистон пойтахти меҳмонларининг тўқимачилар билан учрашуви халқлар ўртасида дўстлик, ҳамжиҳатлик, тинчликка интилишнинг янги, ёрқин намойишига айланди.

Осиё ва Африка халқлари кўп миллатли маданиятининг байрами кечқурун давом этди. Шаҳар аҳолисидан ўн мингдаб кишилар чароғон парклларга, сквер ва кўчаларга чиқдилар.

Ленин номли майдонда бадиий ҳаваскорлик коллективлари концерт бердилар. Ҳаваскор артистлар ашула, рақс ва музикадаги ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Инженер кўчасида шаҳар аҳолисининг азиз меҳмонлар билан дўстона учрашуви учун яна бир жой — «Кино шаҳарча»си тантанали вазиятда очилди.

Кечқурун ёшлик «Искра» кинотеатрида Озарбайжон ССР делегацияси фестивалга тақдим этилган «Узоқ қиргоқларда» номли бадиий кинокартинани кўрсатди.

* * *

Ташкилот комитети «Фестиваль кунларида» деган суратли бюллетеннинг биринчи сонини чиқарди. Бюллетенда фестиваль ташкилот комитети раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Р. Ғ. Ғуломовнинг «Катта, олижаноб мақсадлар» сарлавҳали мақоласи, «Кино санъати байрамидан нима кутмоқдамиз» деган анкета ва бошқа материаллар босилиб чиққан. Анкетада чет эллардан ва Совет Иттифоқи республикаларидан келган санъат арбоблари қатнашмоқда.

* * *

Осиё ва Африка мамлакатлари кинофестивалини ўтказиш Ташкилот комитети номига табрик телеграммалари келиб турибди. Совет Иттифоқи республикаларидаги саноат корхоналарининг, жамоат ташкилотлари ва ижодий союзларнинг коллективлари ва киносанъати арбоблари фестиваль қатнашчиларини қизғин табриклайдилар, уларнинг янги ижодий муваффақиятларга эришишларини, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг мустаҳкамланишини тилайдилар.

Осиё ва Африка мамлакатларининг Совет Иттифоқидаги элчихоналаридан бир қанча табрик телеграммалари олинди.

* * *

Ўзбекистон пойтахтига Осиё ва Африка мамлакатлари кинофестивалининг қатнашчилари ва меҳмонлари келиб турибди. 21 августда Марокашдан матбуот бўлими бошлиғи Аҳмад Сануси жаноблари келди. Бу мамлакатнинг делегацияси ҳам Тошкентга келаётир. (ЎзТАГ).

Поль Робсон пахтакорларнинг меҳмони

Ўзбекистон меҳнаткашларининг тинчлик, озодлик ва демократия йўлидаги этоқли ҳураши Поль Робсон билан учрашувлари халқлар дўстлигининг ажойиб намойишига айланмоқда.

Ҳурматли меҳмон республикамизга келган куниёқ Ўзбекистон пахтакорларининг ҳаёти билан танишишни истаганлигини айтган эди. У рафиқаси билан бирга 21 августда Октябрь районидаги «Шарқ юлдузи» колхозига борди.

«Шарқ юлдузи» колхозининг правлениеси олдида кўп колхозчилар тўпланган. Улар меҳмонга гул ёғдирадилар. Ҳамроқул Турсунқулов Поль Робсонни қучоқлаб ўпади. Эркин суҳбат вақтида колхоз раҳбари колхознинг фаолияти тўғрисида, дала ишларини механизациялаштириш тўғрисида, катта даромадлар ҳақида сўзлаб беради.

Меҳмонларни қишлоқ бўйлаб сайр қилишга таклиф этадилар. Улар энг яқиндаги дала шийпонига етиб келганларида Ҳамроқул Турсунқулов Ўзбекларнинг урф-одатига мувофиқ, дўстлар билан ўтириб бир пиёла чой ичиш керак, дейди. Поль Робсон бу гапга тушунади ва боши билан имо қилиб, бундай таклифга ҳеч қандай эътироз билдирмайди. Дастурхон ўзбек элида мўл-кўл бўлган ҳар хил ноз-неъмат билан тўлиб кетади.

Миллий музика садолари янграйди. Поль Робсон колхоз қишлоғида санъатга катта эътибор берилаётганини билиб мамнун бўлади. У ҳаваскорлар ансамблининг артистлари билан танишиб, уларнинг қўшиқ ижро этишларини эшитиб ва чиройлик рақсларини ўз кўзи билан кўриб, ўзбек халқининг маданияти нақадар юксак даражага кўтарилганлигига қаноат ҳосил қиладл. Поль жуда хурсанд. У халқ рақсига қўшилиб, кетиб, ашулачиларга жўр бўлади.

— Сизнинг ашулаларингизнинг мелодиялари бошқа халқларнинг куйларига яқин,—дейди меҳмон.— Мана эшитинг...

Машҳур ашулачининг зўр овози колхоз далалари бўйлаб янграйди. Негрларнинг ҳаёти, тинчлик, дўстлик ҳақидаги қўшиқлар жаранглайди.

— Кўрдингизми, турли, ҳадқларда нақадар кўп умумий жиҳатлари бор! — дейди меҳмон.

Поль Робсон ўз фикрини давом эттириб, кўп халқларнинг ҳаёти билан таниш эканлигини, ер юзидаги оддий кишиларнинг ҳаммаси тараққиётга, бахт-саодатга интилаётганлигини кўриб билганлигини айтади. Мен ўзбеклар тўғрисида бундан илгари кўп нарсаларни эшитганман, дейди у, сизнинг ўтмишда мазлум бўлган халқингиз саводсизликдан фан ва техника чўққиларига кўтарилганлигига, ўзининг қадимий маданиятини анча бойитганлигига қувонаман. Баъзи бировлар Осиё халқларининг маданият савияси жиҳатидан Ғарб халқларига етиб олишлари учун мингларча йиллар керак, деб ўйлайдилар. Сизнинг тажрибангиз бунинг учун бир неча ўн йил кифоя эканлигини кўрсатиб турибди.

Гулдурос қарсаклар остида Ҳамроқул Турсунқулов Поль Робсонга ва унинг рафиқасига совға қилиб ўзбек миллий кийимларини тақдим этади, азиз меҳмонларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилайди.

Машиналар колхоздан жўнаб кетадилар. Қайтишда яна мингдаб кишилар тош йўлга чиқиб, азиз дўстни табрикладилар. Янгийўл районидаги Сталин номли колхоз территориясида бир группа колхозчилар машиналар колоннасини тўхтатиб, колхознинг ҳамма аъзолари номидан Поль Робсонни меҳмонга таклиф этадилар.

— Бундай таклифни қайтариб бўлмайди, — дейди Робсон табассум билан.

Машиналар фақат шу жойдагина тўхталиб қолмади. Поль Робсон бир тўда болаларни кўриб қолиб, улар ёнига боради ва очиқ юз билан гаплаша бошлайди. Кичкинтой бир бола Поль Робсонга «Жаҳонга тинчлик!» шиори ёзилган қизил байроқчани узатди. Ҳурматли меҳмон ана шу символик совға билан Тошкентга қайтиб келди.

Кечқурун Поль Робсон ва унинг рафиқаси Ўзбекистон давлат филармониясининг Концерт залида ўзбек санъат усталарининг концертини тамоша қилдилар. (ЎзТАГ).

Суратда: (чапдан) Хитой Халқ Республикаси Чань Чунь шаҳар киностудиясининг оператори Чань Лонь пенсионер А. Назирхонов билан суҳбатлашмоқда. (Ўнгдан ўртада) Тошкент киностудиясининг режиссёри, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати Комил Ёрматов Хитой кино санъати арбоблари ўртасида.

В. Панов фотоси.

Кўсак қурти ва ўргимчаккана тушган майдонларда ҳашаротларни қириб ташлаш— ҳосилни сақлаб қолиш гарови

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

Кўсак қуртини тезда қириб ташлайлик

Текшириш катта-катта майдонлардаги ғўзаларга кўсак қурти тушганлиги, ўргимчаккана сингари хашаротлар билан зарарланганлигини кўрсатмоқда. Бу қишлоқ хўжалик зараркунандалари тезда йўқотилиб, қириб ташланмаса ҳосилга жиддий путур етказади. Кўсак қурти пахтанинг энг хавфли душманидир. Мўл ҳосил етиштиришга астойдил бел боғлаган илғор хўжаликлар бошқа дала ишлари билан бир қаторда кўсак қуртига қарши кураш тадбирларини ҳам изчиллик билан амалга оширмоқдалар. Ўртасарой районидаги «Полярная звезда», Оржоникидзе районидаги Киров номли, Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» ва бошқа бир қатор колхозларда кўсак қурти, ўргимчаккана тушган далалар дарҳол аниқланиб дориланади.

Лекин умуман олганда областимиздаги колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш иши ҳар тарафлама кучайтириб юборилган деб бўлмайди. Мусобақадош Андижон область пахтакорлари Гулистон районида бўлганларида, у ерда 700 гектарга яқин ердаги ғўза ҳашарот билан зарарланганлигини, шунга қарамасдан колхозларда унга қарши кураш кучайтириб юборилмаганлигини найд қилиб ўтдилар. Шунингдек, Янгийўл районидаги «XIX партсъезд», Сталин номли ва бошқа колхозларнинг баъзибир бригадаларида ҳам хашарот тушган далаларни дорилаш ишлари талабга жавоб бермаслигини ундирдилар.

Демак, мусобақадошларимизнинг маслаҳатига амал қилиб, ғўза парваришини кучайтириб юбориш, айниқса, ўргимчаккана, кўсак қурти тушган майдонларни дорилашни йўлга қўйиш ҳар бир пахтакорнинг асосий бурчидир. Бу ишда авиация ёрдамидан ўринли фойдаланиш, шунингдек трактор юриши мумкин бўлган майдонларда эса ОУН чанглагич-пуркагич аппаратларини ишга туширишлар лозим. Шунингдек, кўсак қуртини йўқотишда нўл кучидан ҳам фойдаланиш зарур.

Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг 3-бригадасида ғўза парвариши кундан-кунга кучайтирилмоқда. Бу ерда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш иши ҳам яхши йўлга қўйилган. Суратда: (чапдан ўнгга) комсомоллардан Р. Боқиев, У. Иброҳимов ва М. Аҳмедов ўртоқлар ҳашаротга қарши дори сепмоқдалар.

Қ. Розиқов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ҳамкорликда

Бўка районидаги Сталин номли колхознинг ўртоқ Қаюм Баратов бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун курашмоқдалар. Шу бригадага бириктилган механизатор ўртоқ Ином Муротов колхозчилар билан ҳамкорликда ишлаб, ҳозиргача 900 гектар ердаги ғўзани культивация қилди.

Бригада аъзолари август ойининг ҳар бир кунидан унумли фойдаланиб, ғўзанинг нормал ривожланишини таъминламоқдалар. Шунингдек улар пахта йиғим-терими кампаниясига тайёргарликни ҳам бошлаб юбордилар. Пахта хирмонлари текисланиб, тош-тарози ва қоп-қанорлар тахт қилиб қўйилмоқда.

А. ПЎЛАТОВ,
А. МАҲМУДОВ.

Амалий иш ўрнига беҳуда мағрурланиш

Оҳангарон районидаги пахтакор совхозларнинг айрим бўлимларида ғўза парвариши қизғин давом эттирилиб, мўл ҳосил тўплашда бирмунча яхши натижалар қўлга киритилмоқда. Бироқ, умуман олганда, ҳали районда анчагина майдондаги ғўзанинг ривожи паст, қўшимча ишлов беришни талаб қилади. 700 гектардан ортиқ ердаги ғўза ҳали кўсаклагани йўқ, 237 гектар ердаги ғўзанинг эса ҳар тупида ўрта ҳисобда 1-3 тадан кўсак бор, холос.

2- «Оҳангарон» совхозида ғўза парвариши соҳасидаги ишлар, айниқса, ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Совхознинг марказига яқин жойда биринчи бўлимнинг пахтаорлари яғаниб ётибди. Бўлим раҳбарлари (бошлиғи ўртоқ Набиев) августнинг ҳар бир кунидан унумли фойдаланиб, ғўза парваришини кучайтириш ўрнига, «бизнинг бўлим ерлари ҳосилдор, бу йил ҳам албатта, юқори ҳосил етиштирамиз», деб мақтанганлари-мақтанган.

Тўғри, ўртоқ Набиевнинг мақтанишида ҳам жон бор. Ҳақиқатан ҳам бу бўлимнинг ерларида кўп йилларда бўён ўзлуксиз юқори ҳосил етиштириб келинди. Масалан, район бўйича гектардан ўртача 15 центнердан ҳосил етиштирилган йилларда ҳам бу бўлимда 30 — 35 центнердан ҳосил олингани рост. Қаранг, бу ерда ҳосил чиқади деганларидек, чиқмасмиш, ғўза парвариши соҳасидаги ишлар сифатли ўтказилганлиги, шунчалик юқори ҳосил олинган. Шундай бўлгандан кейин ерга ишониб, парваришни бўшаштиришлик учун ҳеч қандай асос йўқ.

Хўш, ҳозир бу бўлимнинг ғўзаси қандай, мақтанишга арзийдими? Йўқ! Ўртоқ Н. Холматов бошлиқ бригаданинг ғўзаларини ёввойи ўт босиб кетган, ҳосил тугиши кечикмоқда. Сабаби, бу ерда культивация, чопиқ, суғориш ишлари мутлақо сифатсиз ўтказилган. Ҳозир ҳам бу ишлар яхши йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Айниқса ғўзани тунда суғоришга эътибор берилмаётир.

Ўртоқ Ҳаққулов бригадасида ҳам аҳвол ачинарли. Бригаданинг уч гектарлик ва бир ярим гектарлик иккита картасидаги ғўзалар чигит униб чиққандан буён бирон марта ҳам парвариш қилинмаган деб айтсак, хато қилмаган бўламиз.

— Нима учун бу ғўзалар қаровсиз қолдирилди? — деб сўрасангиз, бўлим бошлиғи ўртоқ Набиев «катта участкалардаги ғўзаларни парвариш қилиш билан банд бўлиб, кичкина участкаларни эсдан чиқариб қўйибмиз» деб жавоб беради.

Шу ҳам баҳона бўлдими? Ахир, тонна-тонна пахталар гектарлардан йиғиб-териб олинмай, қаердан олинади?! Ҳаётки, бўлим раҳбарлари шуни билмасалар! Бўлимнинг ўртоқ Ғозибеков бошлиқ бригадасида ҳам ғўза парвариши ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Совхозда меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилмаган. Бу совхоз билан қўшни бўлган 1-«Оҳангарон» совхозида иш эрталаб соат 7 дан бошланади. „Бу ерда эса ишчилар далага ҳалдан ташқари кеч чиқадилар ва эрта қайтадилар. Шу туфайли ўртоқ Ҳаққулов бошлиқ бригадада кунлик топшириқ 30-40 процент бажарилмаяпти. Кўндалангига культивация ўтказиш аллақачонок тўхтатиб қўйилган.

Совхозда ғўза парваришининг бундай қониқарсиз олиб борилаётганлигига сабаб шуки, совхоз раҳбарлари дала ишларига оператив раҳбарлик қилмаётирлар. Механизмлардан тўла фойдаланилмаётир. Юқорида айтиб ўтилгандек, меҳнат интизоми ниҳоятда бўшашиб кетган. Энг катта нуқсон шундаки, совхоз директори Ғани Йўлдошев, партия ташкилотининг секретари Варисов, бош агроном Дехто Ўртоқлар бўлим ҳамда бригадалардаги иш устидан контроллик ва раҳбарлик қилмаётирлар. Улар кўпинча идорада ўтириб, сводка оладилар, ёзма ва оғзаки топшириқ берадилар, аммо бу топшириқларнинг бажарилишини кузатиб бормайдилар. Совхоз раҳбарлари кўпроқ «унумдор ерлардан унаётган мўл ҳосил» иштиёқи билан ўз-ўзларини овутиб ва мағрурланиб, ғўза парвариши билан амалда шуғулланмаётирлар.

Т. ХУШНАЗАРОВ.

Фойдали маслаҳатларга амал қилиш керак

Бўстонлиқ районида областимиз бўйича 500 минг тонна пахта етиштириш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун курашаётган кўпгина бригада, звено бошлиқлари, ажойиб механизаторлар, меҳнатсевар колхозчилар бор. Талай майдонлардаги бўлиқ ва ҳосилдор ғўзалар уларнинг ҳалол ва фидокорона меҳнатларининг самарасидир.

Ҳозир «Қизил ту» колхозининг ўртоқ Аҳмад Аҳатов бошлиқ бригада далаларини кўрган кишининг ҳаваси келади. Бу бригада ғўзаси ҳосилдор, август ойи тадбирларининг амалга оширилиши ҳам кўнгилдагидек.

Ленин номли колхознинг ўртоқ Ғиёсов бошлиқ бригадасида ўтган йили ҳар гектар ердан 10 центнердан пахта олинган. Бу йил эса бригада аъзолари гектаридан 23 центнердан ҳосил олишга аҳд қилишиб, яхши натижаларга эришганлар. Улар ҳозир ҳам ғўза парваришини сира бўшаштирмай давом эттирмоқдалар.

Буни мусобақадош Калинин районидан келган ўртоқлар алоҳида қайд қилиб ўтдилар.

Аммо райондаги ҳамма колхозлар, бригадаларда ҳам август ойида ғўза парвариши шу хилда олиб борилаётир, деб бўлмайди. «Қизил ту» колхозининг ўртоқ Аширбой Нурбоев бошлиқ бригадаси аъзолари дастлаб ғўза парваришини уюшқоқлик билан ўтказиб, олдингилар қаторида бордилар: ғўза ораларидаги ўтларни йўқотиб, унинг нормал ривожланишини таъминладилар. Лекин буни кўрган бригада бошлиғи ўртоқ Нурбоев ҳовлиқиб қолиб, кейинги вақтда ғўза парваришини мутлақо бўшаштириб юборган. У хатто агротехника қоидаларига ҳам риоя қилмай қўйган. Натижада катта йўл бўйидаги энг яхши ҳосилланган картаҳаги ғўза ёмон аҳволга тушиб қолган. Масалан, бу ерда қарийб бир ойдан бери культивация ўтказилмаганидан ғўзани гумай ва бошқа ўтлар босиб кетган. Ғўза культивация қилинмай, қайта-қайта суғорила берган. Сувдан кейин ерлар ёрилиб, ғўзаларнинг илдизи очилиб қолган. Ғўзанинг таги юмшатилмаганидан ердан яхши озиқ ололмаган. Шунинг учун қийғос ҳосилга кирган ғўзалар бор ҳосилини ҳам ташлай бошлаган.

Жданов номли колхознинг ўртоқ Ашур Қолдибеков бошлиқ бригадасининг 30 гектар ғўзасини ҳам ўт босиб кетган. Шу колхознинг ўртоқ Исмоилов бошлиқ бригадасида экин кўллатиб суғорилган. Натижада ғўза саргайиб кетган.

Бу колхозда далада ишловчи колхозчиларга қулай иш шароити яратиб берилмаган. Далада иссиқ овқат ташкил этилмаганидан тушда колхозчилар дам олиш ўрнига уйларига бориб овқатланиб келишга мажбур бўлмоқдалар. Мусобақадошлар бу аҳволни қаттиқ қоралаб, далада тезликда иссиқ овқат ташкил этишни таклиф қилдилар.

Ленин номли колхознинг ўртоқ Берди Алиев бошлиқ бригадасида ўтган йили ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил олинган эди. Лекин бу йил ғўзанинг авжи ўтган йилдагидек эмас. Бунинг устига ғўза сифатсиз парвариш қилинмоқда. Шунинг учун ғўзада ҳосил элементлари кам.

Фрунзе номли колхознинг бригада бошлиғи ўртоқ Қурбон Қолдиқулов ғўзамизни уч марта озиқлантирдик, дейди. Лекин ғўзага берилган озиқ беҳуда кетган деса бўлади. Бу, ғўзага нотўғри сув қўйилиши натижасида юз берган. Бригаданинг ерларини бирма-бир кўздан кечирсангиз қатор оралардаги тупроқ ва ўғитларни сув ювиб кетганини кўрасиз. Ғўза ораларида чуқур ариқлар пайдо бўлган. Мусобақадошлар бундай қия ерларга сувни югуртириб эмас, жилдиратиб қўйиш зарурлигини кўрсатдилар.

Ўмуман районда ғўза парвариши кейинги вақтда жуда сусайиб кетган. Далаларда трактор жуда кам кўринади. Айрим бригадаларда ҳатто паст ғўзалар ҳам культивация қилинмай қўйилган.

Бўстонлиқ районидаги пахтакор колхозларда пахта йиғим-теримига тайёрлик ишлари ҳам кўнгилдагидек эмас. Жумладан колхозларда 15 та асфальтланган, 5 та тош ётқизилган марказий хирмон ташкил этилиши ва 15 августгача тахт қилиб қўйилиши лозим эди. Лекин ҳалига қадар бу ишга киришилмаган.

Мусобақадошлар кўпгина пахта майдонларидаги ғўзалар ҳали ёш эканини, етарли ҳосилга кирмаганлигини қайд қилиб, ғўза парваришини давом эттириш, шарбат окизиш зарурлигини кўрсатдилар. «Қизил ту» колхозининг бригада бошлиги Аширбой Нурбоев сингари айрим кишиларнинг бевақт мағрурланиб, ғўза парваришини тўхтатиб қўйганини қаттиқ қораладилар.

Бўстонлиқ район пахтакорлари мусобақадошларнинг дўстона ва фойдали маслаҳатларидан тегишли хулоса чиқариб олишлари, ғўза парваришини янада қизитиб юборишлари лозим.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

☆

Мўл ҳосил тўпламоқдалар

Ўртасарой районидаги «Полярная звезда» колхозининг меҳнатсевар аъзолари пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун ғўза парваришини кун сайин кучайтирмоқдалар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони коммунист ўртоқ Николай Ли бошлиқ бригада аъзолари мўл ҳосил тўплашда бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Улар бу йил 85,5 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилганлар. Шунинг учун ҳам колхозчилар механизаторлар билан ҳамкорликда культивация, чопиқ, озиқлантириш ва суғориш ишларини бирбирига боғланган ҳолда олиб бормоқдалар. Ҳозиргача барча майдондаги ғўзалар беш марта комплекс парваришқилинди. Натижада ҳар туп ғўзада 8-10 тадан бўлиқ кўсак пайдо бўлди.

— Биз август ойида авжи паст бўлган ғўзаларни парвариш қилишга алоҳида эътибор бераётирмиз.— дейди бригада бошлиғи ўртоқ Николай Ли.— Агроном маслаҳати билан ғўзаларга дори сепиб, ҳашаротга қарши кураш тадбирларини амалга оширмоқдамиз. Шунинг учун ҳозир ғўзаларимизда мўл ҳосил тўпланмоқда.

83 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган Ли Гин-бок бошлиқ бригада аъзолари ҳам мўл ҳосил учун курашни кучайтирмоқдалар. Бу бригаданинг ҳамма майдондаги ғўзалари тўрт марта комплекс парваришдан чиқарилди.

Ғўзани агротехника қоидалари асосида парвариш қилаётган Пой Хемен, Холмат Бойжигитов, Ким София ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари ҳам ғайрат билан ишламоқдалар. Бу бригадаларнинг ҳаммасида ғўза баргидан озиқлантирилмоқда. Миришкор сувчилар ғўзани кондириб суғораётирлар.

Ғўза парваришининг намунали олиб борилишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ А. Эрматов бошлиқ механизаторлар ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Жўра ХОЛМАТОВ.

Бу йил юзимиз ёруғ бўлади

— Мажлисларда ҳам, кўчаларда ҳам қолоқ колхоз ҳақида гап борса 2—3 йилдан бери ҳамма бизга қарайдиган бўлиб қолди. Буни кўриб номус қиласан киши. Бу йил пахтадан мўл ҳосил олиб, юзимизни ёруғ қилмасак бўлмайди,—дейди Октябрь районидаги «Ўзбекистон» колхозининг 4-бригада бошлиғи Анорбой Саидалиев.

Колхоз аъзолари ўртоқ Саидалиев айтгандай, юзларини ёруғ қилиш учун бу йил астойдил курашмоқдалар. Ҳозир колхознинг пахтазорларида ҳосилнинг чўғи ўтган йилларгидагидан ортиқ.

Колхозчилар 10 сентябргача ғўза парваришини тўхтовсиз давом эттиришга аҳд қилганлар. Уларнинг ҳар бири конкрет мажбурият олиб, ғўза парваришини қизғин давом эттирмоқда. Жумладан, универсалчи Тўралибек Аймбетов август ойида 200 гектар ердаги ғўзани культивация қилиб бериш мажбуриятини олган эди. У, ўтган ўн беш кунликда ўртоқ Саидалиев бошлиқ бригаданинг 135 гектар ердаги ғўзасини культивация қилиб берди.

Шу бригадада ишлаётган Силиқов, Усмонов, Умрзоқов сингари сувчилар, Сидиқова, Тошпўлатова, Эралиева сингари чопиқчилар ҳам ўзларининг август ойи мажбуриятларини ошириб бажариш учун курашмоқдалар. Бригаданинг 65 гектар ердаги ғўзаси 4 марта культивация қилиниб 3 марта озиқлантирилди.

Колхознинг 135 гектар пахта майдонга эга бўлган ўртоқ Эркақулов бошлиқ бригадасида ҳам шу хилда иш олиб борилаяпти.

Бу колхозда ғўза парваришини тўхтовсиз давом эттириш билан бирга пахта йиғим-теримига тайёрлик ҳам кўрилмоқда: 3 та автомашина, аравалар, 7 та катта тарози ремонтдан чиқарилди. Ҳар қайси бригадада 2 тадан хирмон тайёрланилаётир. Бундан ташқари 300 қанор, 500 та этак ва йиғим-терим учун зарур бўлган бошқа нарсалар ҳам тайёрлаб қўйилди.

Д. СОДИҚОВ.

Гектаридан 40 центнер учун

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги Ленин номли колхознинг илғор механизатори Мамат Маҳкамбоев парвариш қилаётган 60 гектар майдонда бу йил, айниқса мўл ҳосил етиштирилмоқда. Бу моҳир механизатор юқори унум билан ишлаганлиги учун яқинда велосипед ва пул мукофоти олди. Сувчилардан ака-ука Жаббор ва Аҳмед Вейсаловлар ғўзаларни кондириб суғораётирлар.

Шунингдек Куйбишев номли колхознинг ўртоқ Эсанбой Қурбонов бошлиқ бригадасида ҳам ғўза парваришни намунали ўтказилмоқда. Бригада аъзолари ғўза парваришини кизгин давом эттириб, 112 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

О. ОДИЛХОНОВ,
И. ИСМАТИЛЛАЕВ.

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 41 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ ҚУТИБ ОЛАЙЛИК!



Оҳангарондаги «Узбекуголь» комбинатига қарашли 9-шахтанинг Н. Г. Судаков бошчилигидаги кончилар бригадаси шахтёрлар Кунини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун астойдил курашиб, йил бошидан бери пландан ташқари 5 эшелон ёқилғи қазиб чиқарди. Суратда: ўртоқ Н. Судаков (ўнгдан учинчи) бригада аъзолари билан суҳбатлашмоқда.

Б. Лейзерович фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Қурилиш ишлари суръати тезлашмоқда

93- ихтисослаштирилган трест ва унинг бошқармаларида меҳнат қилаётган бинокорлар ҳамда монтажчилар областимиздагина эмас, балки республикамизнинг айрим шаҳар ва районларида олиб борилаётган бир қанча йирик қурилишларда иштирок этмоқдалар. Улар Чирчиқ ва Оҳангарондаги саноат объектлари қурилишида монтаж ишларини бажармоқдалар. Тошкент, Бухоро, Андижон шаҳарларини газлаштиришда фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Қурилиш-монтаж ишлари ҳаражатларини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, мавжуд механизмлардан унумли фойдаланиш учун социалистик мусобақа қизитиб юборилди. Натижада қурилиш ишлари плани ой сайин тўла ва ошиғи билан бажарилмоқда. Шу йилнинг ўтган 7 ойи топшириғи 101,5 процент адо этилди.

Трестнинг Чирчиқдаги «Промтехмонтаж» бошқармаси коллективи юқори кўрсаткичларга эришаётир. Бошқарма маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари объектларда меҳнатнинг тўғри ташкил этилишига, монтаж ишларининг нормал бориши учун металл конструкциялари ва бошқа бинокорлик материаллари таъминотини яхшилашга эришдилар.

Монтаж бошқармаси коллективи мавжуд ички резерврларни қидириб топиш ва улардан фойдаланишни яхши йўлга қўйиб, 7 ойлик қурилиш-монтаж ишлари планини 112,5 процент бажардилар ва трест бошқармалари ўртасидаги социалистик мусобақада биринчи ўринни эгалладилар.

Трест бошқармаларида илғор иш методларининг оммалаштирилиши бинокорлар, монтажчилар орасида пешқадам ишчилар, бригадаларнинг кўпайишига ёрдам бермоқда. А. Шуваров бошлиқ ғишт терувчилар, С. Йўлдошев раҳбарлигидаги монтажчи слесарлар, В. Бобров бошчилигидаги комсомол-ёшлардан иборат монтажчилар бригадалари ишлаб чиқариш нормаларини 200-220 процент бажариб, коллектив ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Ҳали трест ва унинг бошқармалари коллективлари олдида тез ва пухта бажарилиши лозим бўлган катта вазифалар турибди. Бунинг учун қурилиш-монтаж ишларининг суръати тезлаштирилиши, механизмлардан фойдаланишни янада яхшилаш, ҳар бир бинокорнинг унумли ишлаши учун барча зарур шароитларни яратиб бериш, меҳнатни ташкил этишда мавжуд бўлган камчиликларни бартараф қилиш лозим. Шундай қилинса, меҳнатсевар коллектив бундан кейин ҳам топшириқларни муваффақиятли бажара олади.

С. И. ГЛАЗКО,
А. С. ЖУКОВ.

Н. Мамай ташаббуси асосида

Олтинтопган полиметалл комбинати қўрғошин конининг коллективи донгдор шахтёр Николай Мамай ташаббуси асосида ишлаб, катта муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Бу ташаббусни кенг қўлланаётган пармаловчилар белгиланган топшириқларни анча ошириб адо этаётирлар.

Мастер Григорий Ушаков бошчилигидаги бригада аъзолари ҳар сменада нормадаги 13 метр ўрнига 20 метрдан скважина парламамоқдалар. Василий Иноземцев раҳбар бўлган пармаловчилар бригадасининг азаматлари ҳам установкалардан унумли фойдаланиш ҳисобига ҳар куни топшириққа қўшимча равишда 8-9 метрдан қудуқ пармалаётирлар. Шунингдек, мастерлардан Д. Артеменко, Г. Голинов, И. Замятин ўртоқлар етакчилик қилаётган пармаловчилар ҳам ишлаб чиқариш топшириқларини ошиғи билан бажармоқдалар.

Коннинг кўпгина экскаватор машинистлари сменада нормадан ташқари руда қазиб чиқариш учун мусобақани қизитмоқдалар. Комсомолёшлар экипажининг машинисти Роман Сайфуллин экскаватор қаровини яхшилаш, экскавация циклини қисқартириш натижасида ҳар сменада нормани 1,5 бараварга етказиб адо этмоқда. М. Толмачев, З. Гандалипов сингари экскаватор машинистлари ҳам топшириққа қўшимча равишда 300-400 кубометрдан руда қазиб автомашиналаргa ортмоқдалар.

Б. ТОЖИБОЕВ.

Бозорлардаги ҳангомалар

Ҳали вақт эрталигига қарамай, Олой бозорида одатдагидек савдо-сотиқ бошланди. Колхозчилар ўз томорқаларида етиштирган узум, олма ва дастурхоннинг кўрки бўлган бошқа нози-неъматларни, сабзавот маҳсулотларини шаҳарлик биродарларига тезроқ сотиб, ўз ишларига бориш, ҳаридорлар эса хўжалигига керакли нарсаларни арзон ва тезроқ олиш ҳаракатидалар. Хуллас бозор гавжум.

Қовун, тарвузнинг авжи гарқ пишган пайти эмасми, бозорнинг ҳар ер, ҳар ерига уюб қўйилган қовун, тарвузлар кўзни қамаштиради.

— Қовуннинг килоси қанчадан, ака?

— Уч сўм, — мулла ака.

— Икки сўмдан бўлмайдими?

— Килосини икки сўмдан сотадиган бўлсам, улгуржи оладиган харидорлар жуда кўп.

— Тарвузнинг килосини қанчадан сотмоқчисиз? — сўради бир аёл машинадаги колхозчидан.

Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир дегандек тарвуз келтирган деҳқон у ёқда қолиб, «сотилмайди!», деб қатъий жавоб берди шаҳарча кийинган бир йигит.

— Сотилмаса бозорга нега келтирилибди?

— Ишингиз бўлмасин, бунинг сизга алоқаси йўқ, — деди-ю, лип этиб машинанинг нариги томонига ўтиб, тарвузнинг килосини бир ярим сўмдан беринг! Биз ҳам оз-моз фойдаланайлик, деб колхозчини аврай кетди ҳалиги йигит.

Биз йигитнинг чайқовчи эканини ва бунақа чайқовчиларнинг дастидан мол олиб бўлмаслигини дарҳол фаҳмлаб, бозор дирекциясига бордик. Афсуски, бозорда савдо қизиб кетганига қарамай, дирекцияда уборшчицадан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

Биз 11-милиция бўлимининг Олой бозоридаги участка вакили Ўртоқ Юсуповни қидириб топганимизча анча вақт ўтди. Турган гапки, чайқовчи йигит аллақачон ўзини овлақ-ка олган.

* * *

Соат 8 дан 40 минут ўтганда қатордаги 40 — 50 та колхоз дўконидан атиги 6 таси очилди. Уларда ҳам сўлиб қолган лавлаги, эзилган помидор ва майда пиёздан бошқа ҳеч нарса йўқ. Қорасув районидаги Ленин номли колхознинг дўконида озроқ маҳсулот бўлса ҳам дўкон олдида харидорлар йўқ. Дўкон мудири А. Мирзавалиев бизнинг ажабланганлигимизни сезди шекилли, «ҳайрон бўлманг, колхоз раҳбарлари бозордаги нархи-навони ҳисобга олмай, юборилган молларга ортиқ баҳо қўйибдилар» деб бунинг сирини тушунтириб берди.

Дарҳақиқат, қўшни дўконларда олхўрининг бир килоси 6 сўмдан сотилаётган бўлса, Ленин номли колхознинг дўконида 8 сўмдан баҳо қўйилибди. Шафтоли, пиёз, помидор ва бошқаларнинг нархи ҳам ана шундай ортиқ қўйилган.

Октябрь районидаги совет колхоз бозори шаҳарнинг энг йирик бозорларидан биридир. Шаҳар аҳолисининг аксарияти керакли нарсаларини шу ердан харид қилади. Мева, сабзавот, қовун-тарвуз ва ҳоказолар бу ерда жуда кўп бўлади. Аммо бу бозорда ҳам аҳвол яхши эмас, харидорлар кўп вақт ранжийдилар. Колхозларда хўжаликлар учун зарур бўлган моллар бўлмайди. Шунинг учун ҳам ишчи, хизматчилар керакли нарсаларни чайқовчилардан юқори баҳода сотиб олишга мажбур бўладилар.

Ҳозир сабзавот, мева, қовун-тарвуз ғарқ пишди. Нега шаҳар атрофидаги колхозлардан бу маҳсулотлар етарли миқдорда келтирилмаётир. Колхоз раислари эса маҳсулотларнинг камлигини баҳона қиладилар. Лекин шаҳар меҳнаткашларига картошка, сабзавот, қовун-тарвуз етказиб бериш шаҳар атрофидаги колхозларнинг асосий бурчи эмасми, ахир?. Ҳамма колхозларда ҳам сабзавот маҳсулотлари кам, деб бўлмайди. Масалан, Калинин районидаги Ленин номли колхозда сабзавот йўқ, дейиш мумкин эмас. Аммо колхоз раҳбарларининг бепарволиги сабабли бир ой мобайнида Октябрь районидаги дўконга 86,5 ўрнига атиги 9,7 тонна маҳсулот келтириб сотилган. Кейинги бир неча кун ичида дўконда бир кило ҳам мол сотилмади. «Шарқ ҳақиқати» колхози 116 тонна картошка, сабзавот ва бошқа турли маҳсулотлар келтириб сотиши зарур эди. Бу колхоз ҳам ўз дўкони орқали шаҳар меҳнаткашларига бор-йўғи 27,9 тонна маҳсулот сотибди. Шу райондаги Охунбобоев номли, Киров номли, «Ленинизм» ва бошқа колхозларнинг дўконларида ҳам аҳвол шундай.

Тошкент районидаги колхозлар ва икки совхоз асосан сабзавотчилик билан шуғулланади. Пойтахт аҳолисига кўпроқ сабзавотни шу район етказиб бериши керак. Афсуски, бу район колхозлари ҳам шаҳар аҳолисини сабзавот билан қониқарсиз таъминламоқда.

Ленин номли колхозни олайлик. Бу колхоз шаҳарга яқин. Бу ерда минглаб тонна сабзавот, картошка етиштирилади. Шунга қарамай колхоз бир ой мобайнида шаҳар халқига 354 тонна ўрнига фақат 26,3 тонна сабзавот, картошка етказиб берганлигини қандай баҳолаш керак? «Коммунизм», «XX партсъезд», Сталин номли ва бошқа колхозларга қарашли дўконларга ҳам аҳён-аҳёнда сабзавот юборилади, кейинги кунларда картошка, помидор ҳам келтирилмай қўйилди.

Биз Марказий (Туркман) бозорида ҳам ана шундай манзарага дуч келдик. Бу ерда шаҳар атрофидаги колхозларнинг ўнта сабзавот дўкони бор. Уларнинг биронтаси ҳам аҳолига яхши хизмат қилаётгани йўқ. Қорасув районидаги М. Горький номли колхоз дўконида бир неча кунлаб маҳсулот бўлмайди. Ўртоқ Т. Нормуҳамедов раислик қилаётган Ленин номли донгдор колхоз дўкони ифлослиги, майда картошкалар сасиб кетганлиги сабабли ёпиб қўйилган. Тошкент районидаги Сталин номли колхозга қарашли дўкон ҳам ёпиқ.

Сиз бозорларда қовун-тарвуз, помидор ва бошқа маҳсулотлар кўп, деб ўйларсиз. Тўғри, улар шаҳар атрофидаги колхозлардан эмас. Мирзачўл воҳасидаги колхоз аъзоларининг томорқасида етиштирилган қовун-тарвузлар, Фарғона области ва Қозоғистондан келтирилаётган шакарпалаклар, Самарқанддан келтирилган картошкалардир.

Бозорда юлғич чайқовчилар кўп. Улар бозорга келган деҳқонларни бозорга кирмасданоқ қуршаб оладилар. Деҳқонлар келтирган молни турли найранглар билан арзонга тушириб олиб, устига икки баравар баҳо қўйиб пуллайдилар.

Октябрь районидаги бозор директорининг ўринбосари Ўртоқ Н. Мақсудхўжаев билан суҳбатлашганимизда, у, нархи-наво арзонлашганини, чайқовчиларга қарши кураш кучайтирилганини мағрурланиб гапирди. 5-милиция бўлими оператив пунктининг ходими Ўртоқ Жалилов ҳам буни тасдиқлади.

Биз кўк бозорига кирабериш норғўлдан келган, тани-жони соғ йигитга рўпара келдик. Бу киши карам ва бошқа нарсалар билан савдо қилади. Унинг исми Имом, фамилияси Нурмуҳамедов, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигида ишлайди, йил-ўн икки ой бозордан чиқмайди. Ундан нарироқда Ҳамидулла Зарипов деган ёшгина йигит карам, лавлаги, чеснок сотмоқда.

— Карам ўз томорқангизда етиштирилганми?

— Йўқ, меники эмас, Имом акамларники, ёрдамлашмоқдаман.

Маълум бўлдики, 5-милиция бўлимининг бозордаги оператив пункти атрофида ўралашиб юрувчи Имом Нурмуҳамедов ниқобланиб, бир неча гумашта орқали чайқовчилик қилади. Бўлар карамнинг килосини икки сўмдан олиб, уч сўмдан пуллайди.

Имом Нурмуҳамедов ягона дейсизми? Йўқ, унга ўхшаганлар кўп. Бу хилдаги чайқовчиларни қовун ва галла бозорида ҳам учратдик. Улардан бири Карим Обидов. Айтишига қараганда Ўртасарой район матлубот жамиятига қарашли комиссион дўконда ишлайди. Дўкон мудири Наим Жўраевнинг ҳам бир неча гумашталари бор. Районлардан қовун келтирган кишилар унинг тоғаси, қариндоши уруғи. Бошқа бир тоғаси Мирафзал Мирзойитов Тошкент район матлубот жамиятининг комиссион дўконида галла сотади. Қишлоқдан галла харид қилади-ю, гайри қонуний равишда тонналаб яна четга чиқаради. Олой бозорида ҳам Қодир Камолов, Исамуҳамедов, Зиёвуддинов, Салаҳуддинова, Тошмуҳамедова сингари чайқовчи олиб-сотарлар ишчи-хизматчилар ва колхозчиларнинг «нонини туя» қилаётирлар.

Бозор дирекциялари ҳам чайқовчиларга қарши астойдил курашаётганлари йўқ. Айрим ҳолларда мол келтирувчиларни ранжитмоқдалар. Оҳангаронлик инвалид Қурбон Пардабоев Октябрь бозорига 50 килограмм қурут келтирганлиги учун сборчи Шоҳасир Илҳомов ундан беш сўм ўрнига 13 сўм олган. Калинин районидаги «Ленинизм» колхозидан келган Абдураҳмон Рашидов 10 сўм ўрнига «жой ҳақи» учун 15 сўм тўлаган. Бундай фактлар ягона эмас.

Шаҳар атрофидаги колхозларда сабзавот, қовун-тарвуз, мева сероб бўладиган пайт келди. Уни шаҳар меҳнаткашларига келтириб арзон баҳода сотиш ҳар бир колхоз правлениесининг муқаддас бурчидир.

Г. АЛЬМУҲАМЕДОВ,
Ш. КУЗАНБОЕВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

Луб ҳосили олиш бошланди

Қуйи Чирчиқ район колхозларининг аъзолари бу йил давлатга 80 минг тонна каноп ва жут ҳосили топшириш мажбуриятини олган эдилар. Улар ўз аҳдларининг уддасидан чиқиш мақсадида эрта кўкламдан бери астойдил меҳнат қилдилар. Каноп ва жут экилари парваришини ҳар тарафлама сифатли ўтказиш ва мўл ҳосил тўплаш учун курашдилар. Айниқса, меҳнатни тўғри ташкил қилиб, ишчи кучлари ва техникадан унумли фойдаланган Димитров номли, «III Интернационал», Андреев номли, Ленин номли колхозларда каноп экилари ҳосили мўл бўлди. Колхозчилар эндиликда 60-70 центнер ўрнига гектаридан 100 центнердан каноп ҳосили топшириш мумкин эканлигига ишонч ҳосил қилмоқдалар. Ҳозир илғор колхозларда канопнинг лубини олиш ва давлатга топшириш қизғин бошланиб кетди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Тин Чан Нен раҳбарлик қилаётган Ленин номли колхозда каноп лубини олиш учун киришилган дастлабки куннинг ўзидаёқ яхши натижаларга эришилди, ҳар гектар ердан олинган ҳосил 130 центнерданга тўғри келди. Каноп толасининг узунлиги эса 3-3,5 метр, бу унинг сифати яхши эканлигини кўрсатиб турибди. Колхоз аъзолари ҳосилининг асосий қисмини биринчи сортга топшириш мақсадида зарур тадбирларни амалга ошираётирлар. Йиғиб олинган луб ҳосили ўша куннинг ўзидаёқ ёйиб қўйиб, яхши қуритилмоқда. Бу эса ҳосилнинг сифатини оширмоқда.

Колхоз бўйича бу йил 506 гектар ерга каноп ва жут экилган. Мажбурият ҳам юксак. Ҳозир 10 та НП-9 агрегати билан каноп луби йиғиб олинаётир. Ҳар бир агрегатнинг иш унуми 6-7 тоннаданга тўғри келади.

— Каноп ҳосилини тез кунлар ичида йиғиштириб оламиз, — дейди колхоз раиси Ўртоқ Тин Чан Нен,— ҳосилнинг 80 процентдан ортиғини биринчи сортга топширамиз.

К. ПЕРШЕЕВ.

„Бўзсув“ совхози силос тайёрлаш планини бажарди

«Бўзсув» совхозида чорвачилик учун ем-хашак базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Совхозда бу йил 83 гектар ерга маккажўхори экилиб, 968 тонна силос бостириш планлаштирилган эди. Экилган маккажўхори яхши парвариш қилингани учун ундан мўл ҳосил етиштирилди. Яқинда совхозда силос бостириш бошланган эди. Бу иш уюшқоқлик билан олиб борилди. Ҳозиргача пландаги 968 тонна ўрнига минг тонна силос бостирилди. Ҳали совхоз далаларида маккажўхори кўп. Шунинг учун совхоз коллективи яна 500 тонна силос бостириш мажбуриятини олди.

Сабзавотдан мўл ҳосил

КАЛИНИН районидаги Киров номли колхозда бу йил айниқса эртаги сабзавот ва полиз экинларидан мўл ҳосил йиғиб олинди. Колхоз аъзолари шаҳар аҳолисига 300 тоннадан кўпроқ турли хил сабзавот ва полиз экинлари маҳсулоти сотдилар.

Колхознинг мавжуд 8 сабзавотчилик ва 2 та боғдорчилик бригадаларининг ҳаммасида ҳам мўл ҳосил етиштирилмоқда.

Райондаги Карл Маркс номли колхозда ҳам эртаги картошкадан мўл ҳосил етиштирилди. Айниқса Эргаш Назаров бошлиқ бригада аъзолари ҳар гектар ердан 25-30 тоннадан эртаги картошка ҳосили йиғиб олдилар.

Колхоз аъзолари чорвачиликни ҳар тарафлама ривожлантириш билан бирга сабзавот ва полиз экинлари ҳосилини ҳам уюшқоқлик билан йиғиб олмоқдалар.

М. САЙДАЗИМОВ,
У. МУСАЕВ.



Сирдарё районидаги Тарас Шевченко номли колхозда чорва моллари учун кўплаб ем-хашак жамғарилмоқда, силос бостириш қизғин бормоқда. Ҳозирга қадар 500 тоннадан ортиқ силос бостирилди. Суратда: силос тайёрлаш пайти.

В. Салов фотоси.

Халқ Хитойида маданий қурилиш

Хитойда халқ революциясининг ғалаба қозониши 600 миллионли хитой халқи ижодий кучларининг ривожланиши учун бениҳоя имкониятлар очди. Хитой халқи коммунистик партия раҳбарлиги остида янги социалистик ҳаёт қуриш, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини ошириш, илмий-техник кадрлари ва ишлаб чиқариш кадрлари етиштириш, фан ва маданиятни юксалтириш учун курашни кенгайтириб юборди.

Бу вазифаларни ҳал қилиш осон эмас, албатта. Ярим феодал тузуми ҳукм сурган, ярим мустамлака ҳолатида эски Хитойда меҳнаткашлар билим олиш имкониятидан маҳрум эдилар. Мамлакатда аҳолининг 80 процентдан кўп қисми саводсиз эди. Фан ва маданият халқ оммасидан ажралган бўлиб, ҳукмрон синфлар— помешчиклар ва компрадор буржуазия манфаатларига хизмат қилар эди.

Хитой Халқ Республикаси барпо этилиши билан коммунистик партия ва ҳукумат олдига кенг халқ оммасини маданиятдан баҳраманд қилиш вазифасини қўйди.

Халқ Республикаси қарор топганидан буён қарийб тўққиз йил ўтди. Ана шу тарихан қисқа муддатда хитой халқи социалистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида ҳал қилувчи ғалабаларга эришди. Мамлакатни индустриалаш учун замин яратилди, қишлоқ хўжалиги социалистик кооперация йўлига қатъий ўтиб олди, маданий революция муваффақият билан амалга оширилмоқда.

Хитой коммунистик партияси VIII Умумхитой съездининг яқинда бўлиб ўтган 2-сессияси мамлакатда иқтисодий ва маданий қурилишнинг улуғвор вазифаларини белгилаб берди. Сессия социализм қурилишнинг бош йўлини — бутун кучларни сафарбар қилиб, ҳамиша олга интилиб, «кўпроқ, тезроқ, яхшироқ, тежаб-тергаб» меҳнат қилиш принципи асосида социализм қуриш йўлини эълон қилди. Партия мумкин қадар тезроқ Хитойни ҳозирги замон саноатига ва қишлоқ хўжалигига, ҳозирги замон фани ва маданиятига эга бўлган улуғ социалистик давлатга айлантириш учун ҳамма чораларни кўрмоқда.

Сессия мамлакатда техника революцияси ва маданий революцияни амалга ошириш шлорини ташлаб. Маданий революциянинг мақсадлари иқтисодий қурилиш манфаатлари билан чамбарчас боғлангандир. Саводсизликни тугатиш, умумий бошланғич таълимни амалга ошириш, ўқув юртлари ва илмий-текшириш муассасалари шохобчаларини кўпайтириш, майда миллатлар учун алифбе ва хитой иероглифларини реформа қилиш, санитария ва гигиена учун кураш, социалистик адабиёт ва санъатни ривожлантириш, кўп миллионли ишчилар синфи интеллигенциясини вужудга келтириш маданий революциянинг энг муҳим вазифаларидир. Коммунистик партия хитой халқини ана шу вазифаларни бажаришга сафарбар қилмоқда.

Хитойда саводсизликни тугатиш учун кураш чинакам умумхалқ ҳаракатига айланиб кетди. Кейинги бир неча йил мобайнида 30 миллиондан кўп киши саводини чиқарди. Ҳозирда 77,5 миллион хитой меҳнаткашлари саводсизликни тугатиш курсларида ўқимоқда.

Хитойда амалда бўлган ўқиш учун жуда ноқулай мураккаб иероглифлар ёзуви саводсизликни муваффақият билан тугатишга халақит бермоқда. Коммунистик партия ва халқ ҳукумати меҳнаткашларнинг илм олишларини осонлаштириш учун хитой алифбесини реформа қилиш масаласига катта эътибор бермоқдалар. Бу соҳада анчагина ютуқлар қўлга киритилди. Кўпгина мураккаб иероглифларнинг ёзилиши осонлаштирилди ва кўп иероглифлар алифбедан чиқариб ташланди. Талаффузни, хитой тили грамматикаси ва лексикасини унификация қилиш ва иероглифларни транскрипция учун лотин алифбесини жорий этиш юзасидан катта ишлар олиб борилмоқда. Бу тадбирлар иероглиф алифбесидан фонетик алифбога ўтиш учун зарур шарт-шароитларни тайёрлаш мақсадига қаратилгандир.

Ҳозирда Хитой Халқ Республикасида жуда кўп хилма-хил ўқув юртлари ишлаб турибди. Бу ўқув юртларида 150 миллиондан кўп киши ўқимоқда.

Мамлакатда ярим миллиондан ортиқ, яъни 1949 йилдагидан 2,5 баравар кўп мактаб бўлиб, бунда 67 миллиондан кўп бола таълим олмоқда.

Мамлакатдаги 7 минга яқин ўрта мактабда қарийб 6 миллион ўқувчи бор, бу эса революциядан илгариги Хитойдагига нисбатан тўрт баравар кўпдир.

Хитой халқи коммунистик партия раҳбарлиги остида иқтисодий ва маданий қурилиш вазифаларини муваффақият билан ҳал қилиб, мамлакатда халқ хўжалиги ва маданиятнинг барча соҳаларини ривожлантиришни таъмин этишга қодир бўлган инженер-техник ва илмий кадрларни тарбиялаб етиштирмоқда.

Мамлакатда 229 та олий ўқув юрти ва 1353 техникум бор, бунда қарийб 1,2 миллион студент ўқимоқда. Бу ўқув юртлари хилма-хил касбга эга бўлган кўплаб мутахассислар етиштирмоқда. Биринчи беш йилликда (1953—1957 йилларда) Хитойнинг олий ўқув юртларини 280 минг студент тамомлаб чиқди. Бу эса мамлакат озод қилингунгача ўтган 36 йил ичида олий ўқув юртларини тамомлаган студентлар сонига қараганда 70 минг киши кўпдир. Эски Хитойда ўқув юртлари асосан бюрократик ва чет эл капиталига хизмат қилиш учун юристлар, экономистлар ва ҳисобчилар тайёрлар эди. Янги Хитой, халқ Хитойининг олий ўқув юртлари илмий-техник интеллигенция тайёрлаш вазифасини изчиллик билан амалга ошира бориб ва фанни социалистик қурилиш вазифалари билан чамбарчас боғланган ҳолда ривожлантириб, асосан саноат, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш учун инженер-техник ва илмий ходимлар тайёрламоқда. Олий ўқув юртларида ўқувчи ишчи ва деҳқон оилаларидан чиққан студентларнинг сони тобора кўпаймоқда. Хитой Халқ Республикаси барпо этилган дастлабки йилларда ишчи ва деҳқон оилаларидан чиққан студентларнинг сони умумий студентлар сонининг бешдан биридан ҳам кам эди. Ҳозирда эса 36 процентни ташкил этади.

Хитой Халқ Республикасида жуда кўп илмий-текшириш институтларини бирлаштирган Фанлар Академияси ташкил этилди. Министрликлар ва ведомстволар ҳузурида ҳам илмий лабораториялар ва тадқиқот муассасалари бор. Хитой инженерлари ва техниклари эндиликда йирик саноат объектларини ўзлари мустақил равишда лойиҳалаштирмоқдалар ва қурмоқдалар, олимлар атом қувватидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш проблемаларини ўрганмоқдалар ва бу соҳада ишламоқдалар, янги медицина препаратлари кашф этмоқдалар. Хитой заводларининг конвейерлари автомобиллар ва реактив самолётлар, хитой доклари эса денгиз ва дарё кемалари етказиб бермоқда. Заводларда мураккаб металл ускуналари ва ҳоказоларни кўплаб ишлаб чиқариш ташкил этилган.

Эски Хитойда 35 миллион кишидан иборат майда миллатлар жуда қолоқ эдилар. Ҳатто майда миллатлардан кўпларининг ўз алифбеси ҳам йўқ эди. Халқ ҳокимияти барпо этилиб, маданий революция авж олиши билан маданий қолоқлик миллий чекка ўлкаларнинг ривожланишида жиддий тўсиқ бўлиб қолди. Хитой Халқ Республикасида илгари ўз алифбеси бўлмаган миллатлар учун алифбе ишлаб чиқилмоқда. Майда миллатлар учун 8 та институт очилди. Бу институтлар кейинги йиллардагина қарийб 20 минг мутахассис тайёрлаб чиқардилар. Миллий районларда ишлаб турган 24 мингдан ортиқ бошланғич ва ўрта мактабда болалар ўз она тилларида таълим олмоқдалар. Мамлакат озод қилинганидан кейинги дастлабки даврда 10 мингдан сал ҳам миллий кадрлар бор эди, эндиликда эса миллий кадрларнинг сони 400 мингдан ошади. Ҳозирда миллий районларда майда миллатлар учун 22 та газета ва 33 та журнал нашр этилмоқда. Кейинги бир неча йилда миллий тилларда нашр этилган китобларнинг тиражи 54 миллион нусхадан ошиқдир.

Янги Хитой адабиёт соҳасида ажойиб ютуқларни қўлга киритди. Хитой халқи ўртасидан жуда кўп ёш ёзувчилар ва шоирлар етишиб чиқди. Ҳозирги замон бадиий адабиётнинг қаҳрамонлари революцион жанглар ва социалистик қурилиш қатнашчилари — профессионал революционерлар, халқ-озодлик армиясининг жангчилари, ишчилар, деҳқонлар, халқ интеллигенцияси вакилларидир.

Хитой халқининг сиёсий ва маданий савияси нақадар ўсганлигини Хитойда газета ва китоб нашр этиш ҳақидаги маълумотлардан яққол кўриш мумкин. Марказий газеталар, вилоят ва округ газеталарининг бир йўла чиқадиган тиражи 116 миллион нусхадан ошиқдир. 1956 йилда 30 мингдан ортиқ номдаги китоб нашр этилиб, умумий тиражи 1936 йилда нашр этилган китобларнинг тиражидан ўн баравар кўп бўлди.

Хитой халқи Совет адабиётини зўр ҳавас билан ўқимоқда. Хитойда халқ ҳокимияти ўрнатилгандан кейин ўтган саккиз йил ичида рус классиклари ва совет авторларининг 12,4 минг номдаги асари хитой тилига таржима қилиниб, 190 миллион нусхадан иборат умумий тиражда нашр этилди.

Хитой халқининг ашула, рақс ва театр санъатига бўлган ҳаваси гоят катта. Ҳозирда яхши жиҳозланган янги бинолар билан таъмин этилган жуда кўп профессионал театр коллективлари билан бир қаторда оммавий халқ ҳаваскор коллективлари кенг ривожланганлар.

1957 йилгача Хитой Халқ Республикаси киностудияси қарийб 1500 бадиий ва ҳужжатли фильм чиқарди. Хитойнинг ҳали ёш кинематографияси кенг экранли фильмлар чиқаришни ўзлаштирди. Кинотеатрлар ва клиноустановкалар сони йил сайин кўпаймоқда. 1957 йилда кинотеатр ва киноустановкалар сони 9 мингдан ошди.

Хитой коммунистик партияси ва халқ ҳукумати соғлиқни сақлаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. Мамлакатни касалхоналар, амбулаториялар ва профилактика пунктлари тобора кўп қоплаб олмоқда. 1956 йилда касалхоналардаги ўринларнинг сони 250 мингдан ошди. Бу эса революциядан илгари Хитойдагига нисбатан тўрт баравар кўпдир.

Коммунистик партия чақириғи билан санитария ва гигиена учун бошланган оммавий ватанпарварлик ҳаракати жараёнида шаҳар ва қишлоқлар озада бўлмоқда, уй-жойларда ва ҳовлиларда санитарияга қилоф шароит тугатилиб, шаҳарлар ва поселкалар обод ва кўкаламзор қилинмоқда. Ҳозирда санитария ва гигиена учун кураш асосан юқумли касалликларни тарқатувчи ва халқ хўжалигига катта зарар етказувчи «тўрт бало»га — чивин, пашша, чумчуқ ва каламушларга қарши қаратилган.

Хитойнинг Халқ маорифини ривожлантиришда, маданият ва соғлиқни сақлашни юксалтиришда эришган ютуқлари Хитой Халқ Республикасини ривожлантириш биринчи беш йиллик планини муваффақиятли бажарилиши билан, мамлакатдаги иқтисодий қурилишнинг умумий юксалиши билан ва иқтисодий фронтда социалистик қурилишнинг асосан тугаллаши билан чамбарчас боғлангандир. Шунингдек бу муваффақиятлар хитой халқининг идеология фронтида ва маданий фронтда ўнг буржуа элементларига қарши курашда эришган ҳал қилувчи ғалабаси билан ҳам боғлиқдир. Коммунистик партия ўнг унсурларнинг ишчилар синфига, мамлакатнинг социализм йўлидан ривожланишига қарши чиқишларига бошчилик қилган реакцион миллий буржуазия намояндаларини фош этиб ва тор-мор қилиб, миллий буржуазиянинг асосий кўпчилигини меҳнаткаш синфлар билан янада маҳкамроқ жипслаштиришни таъминлади. Коммунистик партия миллий буржуазия ва эски интеллигенцияни қоявий жиҳатдан қайта тарбиялаб, уларни меҳнаткаш қилиш вазифасини қўйди. Шу билан бирга меҳнаткашларни социализм руҳида тарбиялаш, уларнинг сиёсий ва маданий савиясини ошириш учун кураш авж олди. Коммунистик партия яқин 5-7 йил ичида саводсизликни батамом тугатиш вазифасини қўйди. Коммунистик партия мамлакатдаги ёшларни, ишчилар ва интеллигенцияни ўз касби билан бир қаторда марксизм-ленинизм назариясини чуқур эгаллаган мутахассис бўлишга чақирди.

Хитой Коммунистик партияси VIII съезди 2-сессиясининг қарорларига асосан партия ва халқ ҳукумати мамлакатда иқтисодий ва маданий қурилишни кескин суратда ривожлантириш тадбирларини амалга оширмоқдалар. Бу тадбирлар Хитойда маданий революцияни тез суръатлар билан тугаллаш, хитой халқининг ижодий кучларининг янада равнақ топишини таъминлаш имкониятини беради.

В. ЛАРИН.

Бирлашган Араб Республикаси ва Яман вакилларининг музокаралари

ҚОҲИРА, 20 август. (ТАСС). Яман валиаҳд шаҳзодаси ва бош министр ўринбосари Муҳаммад Албадр бугун Қоҳирага келди. «Алаҳром» газетасининг хабарида айтилишича, Бирлашган Араб Республикаси ва Яман короллигидан иборат Бирлашган араб давлатининг кенгаши статутининг асосий принципларини ишлаб чиқиш мақсадида якшанба Қоҳирада Бирлашган Араб Республикаси ва Яман вакиллари ўртасида музокаралар бошланади.

Кеча Бирлашган Араб Республикасининг президенти Гамал Абдул Носир Яманнинг Қоҳирага келган давлат министри ва ташқи ишлар министрининг ўринбосари Абдулла Аламрийни қабул қилди.

Аламрий, Яман короли Имом Аҳмаднинг мактубини президентга топширдим ва Бирлашган араб давлати кенгашининг вазифалари билан боғлиқ бўлган масалаларни у билан муҳокама қилдим, деб айтди.

Уругвай Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми

МОНТЕВИДЕО, 20 август. (ТАСС). Илгари хабар берилганидек, бу ерда 15 августдан 17 августгача Уругвай Коммунистик партиясининг XVII съезди бўлиб ўтди. Съезд Марказий Комитетга 29 аъзо ва Марказий Комитет аъзолигига 18 кандидатдан иборат Марказий Комитет сайлади.

«Эль популар» газетасининг хабар беришича, Марказий Комитетнинг пленуми бўлиб, бунда ижроия комитети сайланди. Ижроия комитетига аъзолар Родней Арисменди, Энрике Пасторино, Альберто Суарес, Хосе Массера, Росарио Пьетрароя Хайме Перес, Энрике Родригес, Хулиа Аревало, Феликс Диас, Хосе Бланко, Григорио Сапинлардан иборат. Ижроия комитети аъзолигига кандидатлар қилиб Сесар Рейес Даглио, Леопольдо Бруэра, Альберто Альтесор сайланди.

Марказий Комитетнинг биринчи секретари қилиб Родней Арисменди сайланди.

Фредерик Жолио-Кюрини дафн этиш вақтидаги мотам митинги

ПАРИЖ, 19 август. (ТАСС). Парижнинг атрофидаги Со деган жойда, шаҳар қабристонига кираберишдаги майдонда Фредерик Жолио-Кюри хотирасига бағишланган мотам митинги бўлди. Митингни Франция Коммунистик партияси ташкил қилди. Атоқли олим билан видолашиш учун ўн мингдаб парижликлар келгилар.

Марҳумнинг қариндошлари ва оғаинилари. Морис Торез бошчилигида Франция Коммунистик партиясининг раҳбарлари. Жаҳон Тинчлик Кенгаши бюросининг аъзолари, чет эл делегацияларга майдонда қурилган минбарга чиқадилар.

Фредерик Жолио-Кюрининг жасади солинган тобут майдон ўртасида баланд постамент устига қўйилган ва уч рангли миллий ҳамда қизил байроқлар билан қопланган. Жолио-Кюрининг тобути олдида Франция меҳнаткашларининг фахрий қоровули ўз байроқларини кўтариб турибди.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши бюроси раисининг ўринбосари профессор Бернал. Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси ва Франция Миллат мажлиси раисининг ўринбосари Роже Гароди ва илмий ходимлар жаҳон федерациясининг секретари профессор Пьер Бикар Жолио-Кюрининг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб нутқ сўзладилар.

Шундан кейин митинг қатнашчилари чуқур сукунат билан Фредерик Жолио-Кюрининг тобути олдидан ўтиб, оташин ватанпарвар, бутун дунёда тинчлик учун саботли курашчи билан видолашдилар.

Жолио-Кюрининг жасади унинг рафиқаси Ирэн Жолио-Кюрининг қабри ёнида дафн этилди.

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ ФАВҚУЛОДДА МАХСУС СЕССИЯСИ

НЬЮ-ЙОРК, 21 август. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси фавқулодда махсус сессиясининг кеча эрталабки мажлисида Америка қўшинларининг Ливандаги ва Англия қўшинларининг Иорданиядаги интервенцияси натижасида Яқин ва Ўрта Шарқда вужудга келган аҳволни муҳокама қилиш давом этди.

Цейлон ва Яман делегатлари мажлисининг бошида сўзга чиқиб, Америка ва Англия қўшинларини Ливан ва Иорданиядан тезроқ чиқартириб юбориш кераклигини айтдилар.

Цейлон делегациясининг бошлиғи Кореа баъзи мамлакатларнинг вакиллари Америка-Англия агрессиясини оқлашга уринаётганликлари ҳақида гапириб, Норвегия ва бошқа 6 мамлакатнинг резолюция ида Америка ва Англия қўшинларини Иордания ва Ливандан чиқартириб юбориш тўғрисида модда бўлмаганлиги сабабли бу резолюция бир қанча мамлакатлар учун мақбул бўлмайди, деди. Цейлон делегацияси бошқа баъзи мамлакатларнинг делегациялари билан бирликда ўзининг резолюция проектини тайёрлади. Бу проект Америка ва Англия қўшинларини Ливан ва Иорданиядан чиқартириб юборишни кўзда тутади. Ҳозир бу проектни бошқа делегациялар кўриб чиқаётир.

Яман вакили Комил Абдил Раҳим айтдики, агар қуролли интервенция тўхатилмас экан ва араб ерларини оккупация қилиб турган қўшинлар олиб чиқиб кетилмас экан, Яқин ва Ўрта Шарқ проблемаларини ҳеч бир ҳал қилиб бўлмайди.

Комил Абдил Раҳим АҚШ ва Англиянинг Ливан ва Иорданиядаги қуролли интервенциясини оқламоқ учун баъзи делегатлар келтираётган важларнинг ҳаммасини сохта важлар деб айтди. Интервенциянинг ўзи, — деди у, — шу мамлакатларнинг суверенитетига таҳдид солиб турибди ва уларнинг бутунлигини ҳам, бу райондаги тинчликни ҳам хавф остида қолдирмоқда.

Араб халқларининг барча миллий орзуларини қўпол куч ёрдами билан бостириш мақсадида, — деди Яман вакили, — бу мамлакатларга чет эл қўшинлари туширилди. Чет эл қўшинларининг бу мамлакатларда туриши жуда катта хавф туғдириб турган манбадир, шу сабабли бу қўшинлар қанчалик тез олиб чиқиб кетилса, барча манфаатдор мамлакатлар учун ва бутун дунёдаги тинчлик иши учун шунчалик яхши бўлади.

Яман делегати «еттилар» резолюцияси проектини танқид қилди.

Пировардида Яман вакили, Яқин ва Ўрта Шарқ проблемаларини реал ва барқарор ҳал қилмоқ учун зарур шарт-шароит вужудга келтирадиган уч моддани таклиф қилди: 1) чет эл қўшинлари араб ерларидан дарҳол олиб чиқиб кетилсин; 2) бутун араб дунёсида миллий ҳаракат ниҳоят даражада ўсиб бораётлигининг моҳияти тушунилсин; 3) араб мамлакатлари ҳозирги вақтдаги жанжалларнинг асосий сабабларидан бирини тугдираётган пактлар ва доктринадан четда туришни истайдилар.

Эфиопия вакили Алемейехоу Ливан ва Иорданиянинг манфаатларига мос бўлиб тушадиган ҳамда чет эл қўшинларининг шу мамлакатлардан олиб чиқиб кетилишини шарт қилиб қўядиган формула топиш керак, — деди. Эфиопия вакили чет давлатларнинг бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашувига умуман қарши бўлиб гапирса ҳам, лекин Америка ва Англиянинг Ливандаги ва Иорданиядаги агрессиясини оқлади.

Сўнгра Франция ташқи ишлар министри Кув де Мюрвилга сўз берилди. У, Англия ва Американинг Яқин Шарқдаги агрессиясини қувватлаб гапирди.

Франция вакили Америка ва Англия қўшинларини Ливан ва Иорданиядан олиб чиқиб кетиш масаласига доир ҳеч бир сўз айтилмаган «еттилар» резолюция проектини қувватлаб гапирди.

ПРЕЗИДЕНТ ЭЙЗЕНХАУЭРНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ВАШИНГТОН, 20 август. (ТАСС мухбири В. Парамонов). Бугун АҚШ президенти Эйзенхауэрнинг навбатдаги матбуот конференцияси бўлди. Президент Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси фавқулодда махсус сессиясининг боришига доир саволларга жавоб бериб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ливандаги аҳволнинг «стабиллигини» таъминлайдиган чораларни кўрмагунча АҚШ ўз қўшинларини Ливандан олиб чиқиб кетмаслигини ишора қилиб ўтди. Бош Ассамблея Америка қўшинларини Ливандан «тезроқ» олиб чиқиб кетишни кўзда тутадиган резолюция қабул қилса, бу резолюция АҚШ ҳукуматига мақбул бўладими, деб берилган саволга президент жавоб беришдан бош тортди. У, АҚШ ўз қўшинларини ё Ливандаги «қонуний» ҳукуматнинг илтимоси билан ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу мамлакатда барқарор аҳволни таъминлаганидан кейин олиб чиқиб кетишга тайёрдир, деган гапларни такрорлади. Президентнинг бошқа саволларга берган жавобларидан маълум бўлишича, ҳали ҳам АҚШ ҳукумати Бош Ассамблеядан Яқин Шарқдаги аҳволнинг «стабиллигини» таъминлайдиган чора тариқасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг полиция кучларини тузиш тўғрисида қарор чиқартириб олишга уринмоқда. Президентга, АҚШ нинг мана шундай полиция кучлари тузиш тўғрисидаги таклифи фавқулодда сессиясида муваффақият қозониши учун «имконият жуда кам» бўлишига қарамай, Америка делегацияси «энг зарур» чора тариқасида шундай кучлар тузишни истайберадими, деб савол берган эдилар. Бунга жавобан президент Эйзенхауэр ҳақиқатда эътироф қилиб айтдики, бу таклифнинг сессиядаги кўп делегацияларга манзур бўлмаётганлиги АҚШни бошқа йўллар қидиришга мажбур қилди ва Америка делегациясининг бундай чора кўриш «жуда зарур» деган важларини ўринсиз қилиб қўйди. Бироқ, у, Яқин Шарқ учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг полиция кучларини тузиш планини «яхши» идея деб айтди ва Ассамблея бу йўлда бирор иш қилса керак, деб умид билдирди.

Президент бошқа саволларга жавобан, Америка қўшинларини Ливандан олиб чиқиб кетиш масаласи «воқеаларнинг бундан кейинги боришига боғлиқдир» деб очиқданочиқ айтди.

Америка матбуотида босилган хабарларда АҚШ билан Англия ўртасида битим тузиб қўйилган, шу битимга кўра, Англия ўз қўшинларини Иорданиядан олиб чиқиб кетишга «қодир» бўлмагунча АҚШ ўз қўшинларини Ливандан олиб чиқиб кетмаслик мажбуриятини олган, деб айтилган эди. Эйзенхауэр бундай битим тузилганлигини инкор қилди.

Президент ядро портлатишларини топиб аниқлаш усуллари ҳақидаги масалага бағишланиб Женевада техник экспертларининг музокаралари бўлаётганлиги ҳақида ижобий баҳо бериб гапирди. Бироқ, у, Женевадаги музокараларни юксак доирада кенгаш ўтказиш йўлида кўрилаётган тайёргарлик учун «етарлик» қадам деб ҳисоблаб бўлмайди, деди.

Эйзенхауэрдан, «бавосита» агрессия деб аталган агрессия тўхатилмаган тақдирда, жаҳон «катта уруш» хавфи остида қолади, деб ўзингиз, шунингдек Даллес айтган гапларни шарҳлаб беришингизни сўраймиз, деб илтимос қилинган эди. Президент, Даллес билан мен «бавосита агрессия»нинг ёйилиши албатта «катта» урушга олиб келади, деб айтганимиз йўқ, деди. Бироқ, шу ондаёқ президент бу ҳол «жиддий оқибатларга» олиб келиши мумкин, деди. У, АҚШ нинг агрессив ҳаракатларини «бавосита агрессияни» важ қилиб оқлашга зўр бериб уринди.

АМЕРИКА ОККУПАНТЛАРИНИНГ ЛИВАНДАГИ ТАДБИРЛАРИ

БАЙРУТ, 20 август. (ТАСС). Ливандаги Америка оккупациячи қўшинларининг қўмондонлиги солдат ва ҳарбий техникани жойлаштириш тадбирларини кўришни давом этдирмоқда. 6-америка флотининг 15 ҳарбий кемаси Ливан қирғоқлари ёнида турибди. Американинг Ливанга туширилган қўшинлари позициялар қурмоқдалар, ҳарбий лагерлар вужудга келтирмоқдалар, стратегия жиҳатидан муҳим бўлган пункт ва йўлларни эгалламоқдалар.

Американинг реактив самолётлари Ливан территорияси устида тўхтовсиз ўчмоқдалар.

«Орман» газетаси билдиради: Америка қўмондонлиги Байрутда махсус радиостанция қурмоқда. Бу радиостанция Араб Шарқи мамлакатларига таъсир кўрсатиш мақсадида пропаганда олиб боради.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ «МИЛЛАТ МАЖЛИСИДА» МУШТЛАШУВ

ПХЕНЬЯН, 20 август. (ТАСС). Пхеньян радиоси Сеулдан олинган хабарларга асосланиб билдиради: Жанубий Корея «миллат мажлиси» сессиясида қўшимча давлат бюджети муҳокама қилинаётган вақтда Ли Син Ман ҳукумати ҳукмрон либерал партияни пул билан таъминламоқ учун саноат банкидан қонунга хилоф равишда 4 миллиард хван пул олганлиги фош қилиб ташланди.

Бу фош қилиш муносабати билан бюджет комиссиясида либерал партия депутатлари билан «демократик» партия депутатлари бир-бирлари билан муштлашдилар. Яқинда «миллат мажлиси» сессиясида ҳам яна муштлашув бўлди.

Тонъян Тхонсин агентлигининг хабарида айтилишича, «демократик» партия депутатлари саноат банки раҳбарларини ва молия министрини ишдан олиб ташлашни, шунингдек қонунга хилоф равишда олинган пулларни давлат ҳазинасига қайтариб беришни талаб қилмоқдалар.

ФРАНЦИЯНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИ ЁМОНЛАШМОҚДА

ПАРИЖ, 20 август. (ТАСС). Франция Миллат мажлиси молия комиссиясининг докладчиси Ленарт кеча комиссия мажлисида сўзга чиқиб, бу йил мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ёмонлашиб бораётганлигига тўхталиб ўтди. Жумладан, у саноат ишлаб чиқаришнинг суръатлари пасайиб бораётганлигини ва Франция ташқи савдосида дефицит кўпайиб бораётганлигини айтди. Ленарт келтирган маълумотларга қараганда, ташқи савдо дефицити бу йилнинг 6 ойи ичида 258 миллиард франкни ташкил қилган.

Мамлакатнинг валюта запаслари камайиб кетганлиги сабабли, — деди Ленарт, — Франция ҳукумати йилнинг охирида чет давлатлардан яна қарз олишга мажбур бўлса керак.

ЛАОСНИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

ХАНОЙ, 20 август. (ТАСС). Вьентьян радиосининг берган хабарида айтилишича, Лаос миллат мажлиси Сананиконе ҳукуматининг составини тасдиқлаган. Сананиконе бош министрлик вазифасидан ташқари ижтимоий ишлар ва телеалоқа министрлиги вазифасини ҳам ўзида сақлаб қолган. Янги ҳукумат аъзоларининг кўпчилиги Лао Луонг Лао («Лаос халқи бирлашмаси») партиясининг аъзоларидир.

УММОНДА ЖАНГЛАР

ҚОҲИРА, 20 август. (ТАСС). Уммонда Уммон ватанпарварлари билан инглиз агрессорлари ўртасидаги жанглар давом этмоқда.

Уммон имомининг Қоҳирадаги вакилхонаси берган хабарга қараганда, шу кунларда аҳоли яшайдиган жой Изки яқинида инглиз қўшинлари билан шиддатли жанг бўлган. Бунинг натижасида ҳар иккала томон анча талафот кўрган.

Хабарда айтилишича, Уммон ватанпарварлари агрессорларни сира тинч қўймаётирлар, ҳарбий объектларга тўсатдан ҳужум қилмоқдалар, инглиз ҳарбий складларига ўт қўймоқдалар ва халқдан талаб олинган мол-мулкни йўқ қилмоқдалар.

Ёш талантлар куйлайди

Суратда: 1. (чапдан) Калинин районининг ҳаваскори Нуралиева севимли «Таповар» рақсига моҳирлик билан ўйнар экан залда гулдурос олқишлар янгради. 2. Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг ҳаваскори Ҳасанова рубобда миллий куйларни гоят ёқимли чалди.

Республикамиз пойтахти — Тошкентда ҳаваскорларнинг республика кўриги давом этмоқда. Сталин номли маданият ва истироҳат боғидаги ёзлик театр биноси 19-август куни тамошабинлар билан лиқ тўлди. Тошкент ва Самарқанд областларининг бадиий ҳаваскорлари ана шу ерда кўрикдан ўтдилар.

Қорасув район маданият уйи бадиий ҳаваскорлар тўгарагининг энг ёш аъзоси Муҳаббат Содиқова ижро этган рақслар тамошабинларга жуда манзур бўлди.

Шуниси диққатга сазоворки, кўрикда қатнашаётган ҳаваскор ёшларнинг кўпчилиги пахта далаларининг азаматлари, завод ва фабрика ишчилари, совет, касаба союз ва комсомол ходимлари, хуллас, турли касбдаги ёшлардир. Ана шулар томонидан саҳнада ижро этилаётган рангба-ранг қўшиқ, ялла ва рақслар уларнинг талантли санъаткорлар бўлиб етишаётганликларидан далолат бериб турибди.

Кўрик самарқандлик меҳмонларнинг чиқишлари билан бошланди. Область бадиий ҳаваскорлар коллективи хори пойтахт тамошабинларига даставвал «Самарқанддан салом» қўшиғини айтиб бердилар. Шундан сўнг «Бахтиёр ёшлик» қўшиғи янграйди. Самарқандлик ҳаваскорлар концерти программасига область кўригида танланган энг яхши номерлар киритилган. Программада ўзбек халқ ашула ва рақслари, ёқимли миллий куй ҳамда классик қўшиқларга катта ўрин берилган. Коллектив ижросидаги «Беш қарсак» ўйини залдагиларга жуда манзур бўлди. Тошкентликлар Самарқанддан келган ёш, талантли ҳаваскорлар концертини зўр қизиқиш билан тамоша қилдилар.

Навбат Тошкент области ҳаваскорларига келади. Оржоникидзе районидаги Сталин номли, Калинин районидаги Карл Маркс номли ва Қорасув районидаги Ленин номли колхозларнинг ҳаваскорларидан иборат бирлашган ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри ансамбли «Шодлик» куйини чалади. Кетидан Калинин районлик ҳаваскор Нуралиева «Таповар» рақсини жозибали ижро этади. Шу районлик ҳаваскор Ғаниева ижросидаги «Қолдиму» қўшиғини залдагилар мароқ билан тинглайдилар. Ёқимли куй, ашула, рақс ва ўйноқи, шўх лапар ҳамда яллалар кетма-кет давом этади.

Конферансье саҳнага кўрикнинг энг ёш иштирокчиси — Қорасув район бадиий ҳаваскорлар тўгарагининг аъзоси Муҳаббат Содиқовани таклиф этади. Муҳаббат эндигина 9 ёшга қадам қўйган. Лекин у бадиий ҳаваскорлар кўригида яхши натижаларга эришаётир. Қизча ижросидаги «Гул ўйини» қайта-қайта қарсаклар билан қарши олинди. У, тамошабинлар талаби билан иккинчи марта ҳиндча «Ботминсон»га ўйнаб берди.

Ўртасаройлик Утаев, Қосимов, Жўраевлар рубобда ижро этган «Дутор баёти», ўртачирчиқлик Пўлатова айтган «Обод ўлкам» қўшиғи ва Ўртасарой районидаги «Полярная звезда» колхози кореец қизлар группаси ижросидаги «Елпиғич ўйини» катта муваффақият қозонди. Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг ёш ҳаваскори Ҳасанова рубоб чалиш санъатини пухта эгаллаб олганлигини намойиш қилди. У, «Янги тановар» ва «Дилбар» куйларини гоят ёқимли ва жозибадор қилиб чалди. Бу муваффақият учун Ҳасанова республика ҳаваскорларининг якунловчи концертида қатнашиш ҳуқуқи берилди.

Калинин район ҳаваскорларининг рақс группаси «Рашк» рақси билан тамошабинларни қойил қолдирди.

В. Салов фотолари.

Кўрик жюрисининг қарори билан республика бадиий ҳаваскорлари кўригининг якунловчи концертига Тошкент областидан Ўртасарой, Калинин, Қорасув, Оржоникидзе районлари ва Янгиер, Чирчиқ, Бекобод шаҳарлари бадиий ҳаваскорлари ижро этган 7 та энг яхши номер танлаб олинди.

Н. НАСИМОВ.

Санъат музейининг янги экспонатлари

Давлат Санъат музейида Ўзбекистон тасвирий ва декоратив амалий санъати виставкаси очилди. Виставкани очиш маросимида Ўзбекистон ССР Маданият министри Ўртоқ С. Азимов қисқача сўзлаб, Ўзбекистон рассомларининг декалага катта тайёргарлик кўраётганликларини қайд қилди. У, виставкаларнинг очилиши Осиё ва Африка мамлакатлари Халқаро кинофестивали иш бошлайдиган кунга тўғри келганлиги қувончли маданий воқеадир, деб кўрсатди.

Виставкага қўйилган экспонатлар орасида рассом Н. Н. Елизаровнинг «Ўзбекистоннинг бир группа санъат арбоблари», В. В. Фадеевнинг «Ҳамза» ҳамда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби А. Абдуллаевнинг «Катта оила» сингари асарлари киши диққатини ўзига жалб қилади. «Ўзбекистон рассомлари» артелининг бир группа ёш нақкошлари томонидан ишланган нақшин стол, стул, тош ойна, шкафлар миллий маданиятимизнинг нақадар нафислигидан далолат беради. Виставкага қўйилган экспонат ва гравюраларнинг кўпчилиги бу йил яратилган асарлардир. Бундан ташқари музейда Япония ва Ҳиндистон санъати экспозициялари ҳам ташкил этилган.

Музейнинг янги экспонатларини пойтахт меҳнаткашлари ва меҳмонлари зўр қизиқиш билан тамоша қилмоқдалар.

Ф. УСМОНОВА.

Боёвутда янги босмахона ташкил этилди

Боёвут районида чиқадиган «Пахта учун» газетаси шу кунгача Бекобод шаҳридаги босмахонада босилар эди. Бу эса газетани барвақт чиқариш ва уни колхозларга ўз вақтида тарқатишда қийинчиликлар туғдирар эди. Шуни ҳисобга олиб, районда янги босмахона очилиб, ишга туширилди. У зарур машина ва ускуналар билан жиҳозланди.

Янги босмахона район газетасини босиб чиқариш билан бирга колхоз ва совхозларнинг босма заказларини ҳам бажармоқда.

Телевизор экранида

22 АВГУСТДА

19.30 Саноат ходимлари учун эшиттириш.
19.45 Физкультурачилар кунига бағишланган эшиттириш.
20.05 Телетамошабинларнинг талабларига мувофиқ концерт.
20.45 Бадиий фильм.
Сўнгги ахборот.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ КИНОФЕСТИВАЛИ ҚИШКИ «ВАТАН»да
эрталаб соат 9 яримда
Биринчи севги қўшиғи,
эрталаб соат 11 яримда
Шахсан маълум,
кундуз соат 4 да
Бирма фильми
ЁЗГИ «ИСКРА»да
Шахсан маълум.

Марказий «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА
22 августда
ПОЛЬ РОБСОН КОНЦЕРТИ
Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар Концерт зали ва стадион кассаларида эрталаб соат 11 дан ҳамда район кассаларида сотилмоқда. Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/VIII да **Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим**, 23/VIII да **Алишер Навоий**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/VIII да **Дилором**, 23/VIII да **Оққуш кўли**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 22/VIII да **Тоҳир ва Зуҳра**, 23/VIII да **Азиз ва Санам**.

«ИСКРА» (қишки) — кундуз ва кечқурун **Орол балиқчилари**.

КАФАНОВ НОМЛИ — **Бу иш ҳали тугамаган**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Шўх йигитлар**.

«ХИВА» — **Екатерина Воронина**.

«СПАРТАК» СТАДИОНИДА

22/VIII кеч соат 6 яримда «Б» класси бўйича Совет Иттифоқи биринчилиги учун **«Металлург» (Магнитогорск) — «Пахтакор» (Тошкент) командалари ўртасида ФУТБОЛ.**

Сагбон кўча, 168- уйда турувчи **Зайнаб Атакаева**нинг Чигатой кўча, Оҳакчи проезд, 16- уйда турувчи Эргаш Атакаевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 2- участка халқ судида кўрилади.

Суратда: учинчи совет Ер сунъий йўлдошини тошкентликлар кузатмоқдалар.

В. Панов фотоси.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808. 136. Совет қурилиши бўлими — 136, Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 29040. Эълонлар бўлими — 38142.

Р 05489. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № Б-551.